*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2007** йил, **19** январь, жума № **3** (2182).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **19** января, **2007** год, № **3** (2182).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена свободная

Фарзандларимиз армия сафида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланмоқда, қатъий ҳаётий позицияси шаклланмоқда, энг муҳими, улар Ватан ҳимояси учун доимо тайёр турадиган фидойи инсонлар бўлиб камол топмоқда.

**Ислом КАРИМОВ**

## ВАТАНПАРВАРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШГА ЭЪТИБОР

**Бугунги кунда Наманган вилояти касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларида 84 мингдан ортиқ йигит-қиз таълим олмоқда. Ҳар йили уларни ўқитиш учун 27 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланмоқда.**

Давлатимизнинг ёшларга бундай ғамхўрлиги касб-ҳунар таълими тизими ходимларига ва ўқувчиларнинг ўзига катта масъулият юклайди. Ёшларни она Ватан, юрт, маҳалла, туғилиб ўсган уйига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш касб-ҳунар таълими тизимига қўйилаётган асосий талабга айланиши лозим. Йигит ва қизлар ҳар томонлама ривожланган, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, халқимизнинг кўп асрлик маданияти, анъана ва удумларини ҳурмат қиладиган ва қадрлайдиган шахслар бўлиб вояга етиши керак.

Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 25 августдаги миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги қарори жамият олдига шундай вазифаларни қўйди. Наманган вилояти касб-ҳунар таълими тизими ходимларининг учрашувида шу ҳақда сўз юритилди. Анжуман қатнашчилари ёшларимиз миллий ғоянинг ўзаги мамлакатда тинчлик, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи каби асосий тамойиллардан иборат эканлигини чуқур англаб етиши кераклигини таъкидладилар. Бу хайрли мақсадларга эришиш учун билим олишга бор кучни сарфлаш ва ўқишни тамомлагандан сўнг мамлакатимиз ва халқимизга кўпроқ фойда келтириш зарур.

Шу боис миллий ғояни ҳаётга татбиқ этиш ва маънавий-маърифий соҳадаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш фан, маданият ва санъат арбобларининг вилоят аҳли билан учрашувларида асосий мавзу бўлиб қолмоқда.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими И.Нажмиддинов иштирок этди.

**Илҳом РАЗЗОҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЁШ ТАРИХЧИЛАР СЕМИНАРИ

**“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида ёш тарихчилар республика илмий-амалий семинарининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, ташкилот ва илмий тадқиқот муассасалари, олимлар, мутахассислар, талабалар ва журналистлар иштирок этди.**

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тарихимизни асл ҳолича ўрганиш ва халқимизга етказиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бу борада яратилаётган илмий асарларда халқимизнинг жаҳон цивилизацияси тарихига қўшган ўзига хос улуши, минтақамиз тарихининг муҳим қирралари очиб берилаётир.

Бундай тадқиқотлар жараёнида ёш тарихчилар ҳам фаол иштирок этмоқда. Ёш тарихчиларнинг республика илмий-амалий семинари ташкил этилиши тарихимизнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш, ёшларимизнинг тарихий дунёқарашини бойитиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларга истеъдодини намоён этишида яқиндан кўмаклашиш имкониятини беради.

Ёш тарихчилар семинарининг биринчи йиғилишида ўлкамизнинг салкам икки аср аввалги тарихи билан боғлиқ қарашларга оид маърузалар тингланди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА

**Қарши шаҳрида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, шаҳар ва туман ҳокимларининг минтақавий семинари иш бошлади.**

Семинар-кенгашда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида баён этилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилмоқда. Анжуманда мазкур маърузада миллий қадриятларимиз ва ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётган демократик принциплар, тараққиётимизнинг асосий шартлари, жамиятни янгилаш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилгани, бу эса барча бўғин раҳбарлари зиммасига улкан масъулият юклаши алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, бугунги раҳбардан одамларнинг ўй-ташвишлари билан яшаш, ён-атрофда юз бераётган ҳодисаларга доимо ҳушёр ва сергаклик билан ёндашиш, эл-юрт тақдири ва келажаги учун масъулликни ҳис этиш, фидойилик ва қатъият талаб этилмоқда.

Тадбирда Юртбошимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан жойларда амалга оширилаётган ишлар, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чорвачиликни, мева, сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш масалалари бўйича ҳам фикр алмашилади.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов, Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

**А.МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



*Юксак ишончингни оқлаймиз, Ватан!*

Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!**

## СОҲИБҚИРОН ДАВРИДА КОММУНИКАЦИЯ

Ўрта асрларда ҳам Марказий Осиё ҳудудида подшоҳликлар, салтанатлар барпо этилиши ва ривожланиши учун оммавий коммуникация, яъни давлат бошлиқлари ва давлат бошқаруви амалдорлари томонидан керакли манбалардан оммавий ахборот йиғиш, уни умумлаштириш, ишлаб чиқиш ҳамда керакли жамият табақалари ва одамларга маълум бир каналлар орқали тарқатиш муҳим аҳамият касб этган.

Ахборот алмашинуви, жумладан, коммуникациянинг оғзаки ва ёзма турлари ҳукмдорлар саройларида кенг тарқалган эди. Оммавий коммуникациядан давлат раҳбарлари кенг оммага ўзларининг буйруқлари, фармонларини етказишда фойдаланганлар. Бундай жараёнлар давлат раҳбари, унинг бошқарув тизими, дин пешволари билан халқ ўртасидаги мустаҳкам муомалани ўрнатиш ва юритиш учун керак эди. Давлат миқёсидаги ахборотдан четда қолган аҳоли давлат сиёсатини тушунмаслиги ва унга риоя қилмаслигини ҳукмдорлар яхши англаб олган эдилар.

**(Давоми 8-бетда).**

**Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди**



## МАЪНАВИЯТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

**«Дин, шу жумладан, ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсоннинг одамлар билан баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда».**

**Ислом КАРИМОВ.**

Ер юзида маълум бир динга эътиқод қилмаган бирор бир халқ бўлмаса керак. Бундан келиб чиқадики, дин – башарият аҳли учун ўзига хос руҳий эҳтиёж. Жаҳон динлари ичида энг ёши бўлган ислом динининг ҳам дунёдаги миллиардлаб инсонлар ҳаётида ўз ўрни бор.

**(Давоми 8-бетда).**

## РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Тадбиркор Ҳабиба Аҳмедова яқинда Навоий шаҳрида янги ўқув марказини очди. “Ҳабиба-Зиё” деб номланган ушбу марказда ёшлар учун бичиш-тикиш, зардўзлик, уй ҳамшираси, массаж, компьютер саводхонлиги, бухгалтерия ҳисоби, сартарошлик, инглиз ва рус тиллари, қандолатчилик каби 20 га яқин йўналиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди. Ўқув марказида йил давомида 200 нафардан ортиқ ёшларни касбга йўналтириш режалаштирилган.

●

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда уруғлик сифати муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йили Сирдарё вилояти пахта майдонларида синаб кўрилган «С-6524», «Оқдарё» «Ан-Боёвут-2» сингари ғўза навлари шўрхок ер шароитига чидамлилиги, ҳосилдорлиги, толасининг пишиқлиги билан мутахассис ва миришкорларга маъқул бўлди. Уруғлик чигит асосан вилоятдаги пахта уруғчилиги корхоналарида тайёрланмоқда. Жорий йилдан бошлаб ушбу корхоналар Андижон ҳамда Фарғона вилоятлари фермерларига ҳам сифатли уруғлик етказиб беради. Бу йил 5 минг тонна уруғлик тайёрланадиган корхонада айни пайтгача 25 тонна тукли, 75 тонна туксиз чигит саралаб қўйилди. Уруғлик чигит махсус препаратлар билан дориланиб, омборларга жойланмоқда.

●

Фарғона туманида ҳам ўтган йили соғлиқни сақлаш тизимида хайрли ишлар амалга оширилди. Биргина Хонқиз қишлоғидаги қишлоқ врачлик пункти қурилишига 10 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Барча қишлоқ врачлик пунктларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини янада юксалтириш, турли хил касалликларнинг олдини олиш борасида аниқ тадбирлар асосида иш юритилмоқда. Бунда “Саломатлик-1” ҳамда “Саломатлик-2” лойиҳалари бўйича келтирилган тиббий жиҳозлар катта аҳамият касб этяпти.

●

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрда қабул қилинган “2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Самарқанд вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маълумотларга кўра, жорий йилда 47 та ширкат хўжалиги тугатилиб, улар тасарруфидаги 131,5 минг гектардан ортиқ ер янги ташкил этиладиган фермер хўжаликлари ихтиёрига берилади. Бу йил тугатилаётган ширкат хўжаликларининг асосий қисми Ургут ва Пастдарғом туманларига тўғри келди. Ургутда 19 та ширкат тугатилаётган бўлса, Пастдарғом туманидаги 17 та ширкатнинг 21 минг 226 гектар ер майдони фермерларга топшириляпти.

●

Профессионал бокснинг нуфузли йўналишларидан ҳисобланган Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) раҳбарияти ўзбекистонлик боксчи Руслан Чагаев жорий йилнинг апрель ойида ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпионлиги учун рингга чиқишини маълум қилди. Жаҳон бокс уюшмаси раҳбарияти расмий даъвогар – Руслан Чагаевнинг навбатдаги жанги хусусида қарор чиқарди. Унга биноан Николай Валуев ва Жамил Маклайн ўртасидаги учрашув ғолиби жорий йилнинг 15 апрелига қадар Руслан Чагаев билан жанг ўтказиши лозим. Халқаро ташкилот томонлар жангни ташкил қилишга доир ҳужжатларни 9 февралгача имзолаши кераклигини маълум қилди.

**(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).**

**Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги**



## ВАТАНПАРВАРЛИККА ЙЎҒРИЛГАН МАҚСАДЛАРИМИЗ МЕВАСИ

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриги ўзига хос бир дастуриламал ҳужжатдир, дея бараллa айта оламиз. Ўзини Ватан, халқ тақдирига, унинг тинчлиги-осойишталигига бефарқ билмаган инсон борки, табрик сўзлари қалбларида, юракларида акс-садо берди. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги қатъиятини, шижоатини янада алангалатди.

Ислоҳотлар миллий армиямизни чин маънодаги ҳаёт мактабига, йигитлик мактабига айлантирганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Қуролли Кучларимизда хизмат қилиш ёшларимиз учун фахр, ғурур, шон-шараф ишига айлангани ана шундан. Табрикда ҳам бу борада алоҳида таъкидланиб, армияда ёшларимиз ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний, маънавий жиҳатдан тобланишаётгани, ҳаётий қарашлари шаклланаётгани, Ватан ҳимояси йўлида доим тайёр турадиган мардлар бўлиб етишишаётгани айтиб ўтилган.

**(Давоми 8-бетда).**




2 ВАТАН ХИЗМАТИГА ДОИМО ШАЙМИЗ

БАХТИЁР ОНАГА ТАЪЗИМ



3 ИЗУЧАЕМ ПОЗДРАВЛЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА

МОЖЕМ УВЕРЕННО СМОТРЕТЬ В БУДУЩЕЕ



10 РОВЕСНИК

ПРИШЕЛ КУРСАНТ В ШКОЛУ



12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ

«ЖОНЛАРГА ЖОНДОШ ЯХШИ ОДАМЛАР...»

ВАТАН ХИЗМАТИГА ДОИМО ШАЙМИЗ

# ВРУЧЕНЫ ПАМЯТНЫЕ ЗНАКИ

**В череде торжественных мероприятий, посвященных празднованию Дня защитников Родины и 15-летия со дня образования Вооруженных Сил Республики Узбекистан, состоялось и чествование генералов и офицеров, сержантов и служащих Центрального аппарата Министерства обороны, награжденных Памятным знаком «Узбекистон Республикаси Куролли Кучларига 15 йил».**

Величие музыки Государственного гимна нашей страны подчеркнуло особую торжественность собрания.

Выступивший перед аудиторией министр обороны Р. Мирзаев отметил, что в праздничном поздравлении защитникам Родины Президента, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами И. А. Каримова поставлены детальные задачи по дальнейшему реформированию Вооруженных Сил. Каждый должен изучить этот программный документ. А решение этих задач должно быть быстрым и качественным.

Пятнадцать лет – это небольшой срок по историческим меркам. Но это время, когда прошло переосмысление стоящих перед военным ведомством, перед каждым военнослужащим задач, сложностей тех проблем, с которыми пришлось столкнуться в первые годы независимости.

С момента становления армии независимого Узбекистана в ее рядах были истинные патриоты Родины, они взвалили на свои плечи всю тяжесть переломного периода. Они были у истоков строительства совершенно новых Вооруженных Сил. Многие из тех военнослужащих до сих пор в строю, вносят свой вклад в их дальнейшее развитие, показывают пример беззаветного служения Отчизне.

Каждый сидящий в зале является проводником тех реформ, которые проводятся в стране и Вооруженных Силах под руководством Президента, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами И. А. Каримова. Благодаря этой работе в обществе царит атмосфера взаимоуважения, страна стабильно развивается и идет вперед, к своему великому будущему.

Сегодня хочется подчеркнуть особую значимость ряда главных управлений, управлений, отделов и служб Центрального аппарата, вносящих неоценимый вклад в решение всех служебных вопросов по активному продвижению реформ. Также и штабы военных округов становятся самодостаточными структурными подразделениями, готовыми самостоятельно решать поставленные задачи.

Торжественное заседание продолжилось вручением ряду генералов, офицеров, сержантов, служащих Памятного знака «Узбекистон Республикаси Куролли Кучларига 15 йил».

На собрании выступила заместитель председателя Комитета женщин Республики Узбекистан Ф. Акбарова. Она тепло поздравила присутствующих с праздником, пожелала всем военнослужащим, их семьям, матерям и отцам доброго здоровья, счастья и мира.

В завершение торжественного собрания состоялся концерт Центрального ансамбля песни и танца Вооруженных Сил.

**Соб. инф.**
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**





# БАХТИЁР ОНАГА ТАЪЗИМ

14 январь. Пойтахтимизнинг энг кўркам жойларидан бирига айланган «Мустақиллик ва эзгулик» монументи эрта тонгдан бир гуруҳ Ватан ҳимоячилари билан гавжум. Гўдагини бағрига босиб турган Бахтиёр она сиймоси пойига Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси вакилларидан бир гуруҳи оркестрнинг ҳазин куй садолари остида гулчамбарлар қўйишди. Шундан сўнг давлатимиз мадҳияси янгради. Фахрий қоровул взводи монумент ёнидан тантанали марш садолари остида ўтди. Ватан ҳимоячилари Бахтиёр онага ҳарбийча таъзим бажо келтиришди.

Назаримда, эзгулик аркасидан она сиймоси сари олиб борувчи йўлак оппоқ орзулардан янада нурафшон бўлди, бу кун. Гўёки эзгулик, бахт оппоқ либосда бўй кўрсатди. Бағрига гўдагини босиб турган онанинг юзида шукроналик, ҳаётга муҳаббат, ўзининг, фарзандининг келажагига ишонч янада балқиди, бу кун. Бахтли, бахтиёр аёл тимсолига қараб туриб, меҳрни, ўзбекона бир меҳр-муҳаббатни, болажонликни, садоқатни, вафо, ибони уқдим. «Ватан ҳимоячилари сизни, демакки, ана шу пок туйғуларингизни ҳимоялайди», дедим хаёлан.

Бахтиёр она бағрини гулларга тўлдирган Ватан ҳимоячилари бу билан армиямизнинг халқимиз, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятлари ва хислатларини ўзида мужассам этганини, матонатнинг, садоқатнинг, демакки, ватанпарварликнинг мактабига айланаётганини ифода этишди. Монумент пойида сукут сақлаганча, гўё «Биз сарҳадларда огоҳ, ҳушёр эканмиз, Сиз – Бахтиёр она бахтига, қувончига, ҳаловатига, демакки, Ватан тинчлиги-осойишталигига, равнақи, фаровонлигига ҳеч қандай куч дахл қила олмайди», дейишди она юрт ҳимоячилари.

**Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**



# БЛАГОДАРНОСТЬ ЗА ВНИМАНИЕ

**Именно таким был лейтмотив высказываний победителей республиканского тура конкурса на звание лучшего по профессии в Вооруженных Силах, которым от имени руководства Министерства обороны в Центральном Доме офицеров Вооруженных Сил вручены ценные подарки.**

Выступив перед собравшимися на торжество военнослужащими, заместитель министра обороны по воспитательной работе полковник Маннобжон Ахмедов поздравил их всех с Днем защитников Родины, а также с достигнутым успехом в ратном труде. Он выразил уверенность в том, что из сегодняшних лауреатов конкурса со временем вырастут будущие командующие войсками округов, командиры передовых воинских частей.

Затем полковник М.Ахмедов в торжественной обстановке вручил победителям конкурса во всех номинациях – «Лучший командир батальона», «Лучший командир взвода», «Лучший командир группы» и «Лучший сержант» – ценные подарки. Командирам батальонов и им равным вручены персональные компьютеры, командирам взводов и групп – цветные телевизоры, сержантам – DVD-плееры.

Сержант Жасур Рашидов уже третий год успешно участвует в данном конкурсе, став «Лучшим сержантом» в войсках Центрального военного округа. Инструктор по рукопашному бою школы подготовки сержантов вносит весомый вклад в воспитание будущих военных профессионалов настоящими мастерами своего дела, преданными независимой Родине.

– Хочется выразить искреннюю признательность руководству нашей страны за высокое внимание к ратному труду военнослужащих, – говорит сержант Ж.Рашидов. – Организация этого конкурса на самом высоком уровне, чествование победителей наглядно свидетельствуют о том, что вопросы успешного осуществления военной реформы находятся под особым вниманием руководства нашей страны. Внимание и забота к нам вдохновляют на новые успехи в ратном труде.



Капитан Миразиз Мирахмедов – командир батальона из Восточного военного округа – принимает поздравления в номинации «Лучший командир батальона».

– Год от года уровень сложности участия в данном конкурсе только возрастает, – говорит капитан М.Мирахмедов. – И это вполне понятно, ведь престиж данного соревнования очень высок. К тому же победители в номинациях получают ряд преимуществ.

Впрочем, не льготами едиными интересен конкурс для всех его участников.

Участие в конкурсе дает прекрасную возможность повысить свою классную квалификацию. Не случайно младший сержант Уткир Рахмонкулов стал первым в Вооруженных Силах мастером. А победители в номинации «Лучший командир батальона» получили значки военных специалистов 1-го класса.

**Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.**
**Фото капитана Дилявера АБЛЯЕВА.**

# МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

**«Биз ўтган 15 йил мобайнида юртимизда замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларимизни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кўлами ва моҳияти жиҳатидан том маънода улкан ишларни амалга оширдик», дейилади Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида.**



Ҳарбий судларимиз қўшин ва бўлинмаларда одил судловни амалга ошириш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш йўлида, Ватан ҳимоячиларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида изчиллик билан фаолият олиб боришаяпти. Бу эса она юрт ҳимоячиларида конституциявий бурчга бўлган улкан муҳаббатни тарбиялашда устувор аҳамият касб этмоқда. Республика Ҳарбий судида Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллик тўйи муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда бу ҳақда алоҳида тўхтаб ўтилди.

Тантанали йиғилишда Республика Олий судининг раиси Бўритош Мустафоев иштирок этиб, йиғилганларни байрам билан қутлар экан, жумладан, шундай деди: «Ўтган 15 йил ичида Ўзбекистон Қуролли Кучлари Президентимиз – Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида ва саъй-ҳаракатлари билан ҳар томонлама шаклланди ҳамда бугунги кунда тактик ва техник жиҳатдан илғор, жаҳондаги энг замонавий армиялар қаторига қўшилмоқда».

Президентимизнинг «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан Чирчиқ ҳарбий суди раиси адлия подполковниги Нормад Тожибоев «Шуҳрат» медали, ҳарбий судларнинг бир гуруҳ ходимлари эса «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонига сазовор бўлишди. Мукофотларни Олий суд раиси тантанали равишда топширди.

Тадбирда Президент девонининг масъул ходими Хуршид Содиқов иштирок этди.

**Сафар АЛИЕВ.**

Ёш офицерлар – Қуролли Кучларимиз келажаги

# КУЧ ВА БИЛИМ МУШТАРАКЛИГИ

**Маълумки, бугун Қуролли Кучларда олиб борилаётганислоҳотлар сабаб, замонавий армиянинг посбони нафақат жанговар билимларни пухта эгаллаган бўлмоғи, балки интеллектуал салоҳияти ҳам юксак бўлмоғи, ҳар жойда етакчилик қобилиятини намоён эта олиши лозимлиги талаб этилмоқда. Бу жараёнда эса муттасил изланиш, ўз устида ишлаш, билим ва малакани ошириб бориш ҳамда ўқиб ўрганиш муҳим ўрин тутади. Шунингдек, посбонларнинг ҳар томонлама етук, ўз касбининг моҳир устаси, бурчига ва шарафли номига ҳар томонлама муносиб бўлишларида тарбиячи офицерларнинг ҳам муносиб ўрни борлигини алоҳида қайд этиш лозим. Масалан, муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёш йигитнинг ҳарбийча ҳаётга кўникиш жараёнини олайлик. Бу ерда тартиб-қоида уйдагидан буткул бошқача, ҳаммаси маълум қоидага биноан, қатъий белгилаб қўйилган режага мувофиқ сўзсиз амал қилиш лозим бўлган буйруқ бўйича боради. Хўш, фуқароликда эркин юрган шахс янги жойда то кўниккунча нималарга эътибор қилиши керак? У кимдан ўзига маслаҳат, йўл-йўриқ олсин? Қийинчиликларга бардош бериб, машаққатларни енгиб ўтишда кимга суянсин?**

Албатта, ёш аскарга командир ва бошлиқлар, хизматни аввалроқ бошлаган сафдошлари маълум маънода йўл-йўриқ кўрсатиб, тегишли маслаҳатлар беришади. Бироқ улар орасида тарбиячи офицернинг хизмати ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу ўринда яккама-якка суҳбат, руҳий таъсир ўтказиш, ўзига ишонч уйғотиш, зарур ўринларда рағбатлантириш, мавжуд муаммоларни ўрганиб, биргаликда бартараф этиш чоралари ҳақида йўл-йўриқ кўрсатиш каби усуллар муҳимдир. Бунинг барчаси тарбиячи офицердан чуқур билим, катта масъулият ва малака талаб қилади. Демак, кўринадики, аввалам бор тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи керак. Ўз устида тинимсиз ишлайдиган тарбиячи офицергина қўл остидагилари учун ҳамиша ишончли дўст, яқин маслаҳатчи ва намунали устоз бўла олади.

Тарбия ишида кўҳна тарих сабоқларининг ҳам улкан аҳамияти бор. Туронзамин каби буюкларга бой юрт бошқа йўқдир. Оддийгина чўпони-да, эркка ташна қалби билан улкан қўшинни мағлуб этган, бу юртнинг. Келинг, сўзимизни ана шундай тарбиячи офицерлардан бири, ёш бўлса-да, ўз касбининг ҳақиқий билимдони, жонкуяри бўлган капитан Музаффар Ярматов мисолида давом эттирсак.

– Командиримизнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Ярматов ўз қўл остидагилар учун ҳақиқий жонкуяр етакчи, – дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Хайрулла Ғаниев. – Биз нафақат хизмат юзасидан, балки ўз ҳаётимизда ҳам мавжуд муаммолар юзасидан у киши билан маслаҳатлашиб, фикрлашиб турамиз. Чунки юқорида айтганимдек, у киши етакчилиги билан бирга ишончли дўст ва самимий суҳбатдош, меҳрибон мураббий ҳамдир.

Музаффар Ярматов тарбиявий ишлар бўйича етакчилик қилаётган взвод шахсий таркиби қисм миқёсида жанговар, ижтимоий-сиёсий, тактик, жисмоний ва бошқа тайёргарликлар бўйича илғор натижаларга эришиш билан бирга тартиб-интизом, ташаббускорлик, интеллектуал салоҳият ва яна қатор ибратли жиҳатлар билан ҳам пешқадамликка эришмоқдалар. Бунда албатта, ўрганганларини хизматга татбиқ эта билиш билан бирга, билим ва малакани бойитиб боришнинг ҳам ўрни муҳимдир. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тугатган офицер хизматни бошлаган илк кезлариданоқ ушбу тамойилга содиқ қолди. Хизмат билан бир вақтда тинимсиз ўқиб изланди, тажрибали офицерларнинг фикр-мулоҳазаларини қунт билан ўзлаштирди. Ўз навбатида ҳарбий хизматдан ҳам маънан, ҳам жисмонан кўп нарса олди. Ўрганди, ўрганганларини ўз навбатида қўл остидагиларга ўргатди ва ўргатиб келмоқда. Ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига содиқ, мустақилликни янада мустаҳкамлашдек устувор мақсадлар асосида тарбиялаш ишига ҳисса қўшишни энг эзгу шиор, деб билган бундай офицерлар билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

– Бугун минтақа ва бутун жаҳон миқёсида нотинч ижтимоий-сиёсий вазият кузатилмоқда, – дейди офицер. – Ахборотлар хуружлари, халқаро террор балоси кабилар инсоният бошига ташвиш солаётган мудҳиш иллат. Бу эса янада огоҳликни талаб этади. Масаланинг туб моҳиятига етиб бориш, уни тўғри англаб олиш учун эса билим ва заковат сув билан ҳаводай зарур. Шу боис ҳам бугун тарбия иши ғоят мураккаб тус олган. Аслида тарбия ҳамма замон ва даврларда ҳам энг биринчи ўринда бўлиб келган. Бизнинг давримизга келиб у бирмунча мураккаблашди. Негаки, давримиз техника ва ахборот технологиялари асри, деб аталади. Ахборот тезлиги шу қадар каттаки, уларнинг саргини саракка, пучагини пучакка чиқариб танлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ахборотлар хуружининг қурбонига энг биринчи галда, жамиятнинг нозик бўғини ҳисобланган ёшлар айланиши хавфи бор. Бугун сўзнинг қудратли восита эканлиги амалда ўз исботини топмоқда. Ахборот хуружи таъсирида бир давлатнинг иккинчи бир қудратлироқ давлат таъсирига тушиб қолиши учун қурол-яроғ эмас, қудратли сўзнинг ўзигина кифоя қилиши ҳам буни яққол акс этади. Демак, тарбия ишининг тубдан яхшиланмоғи давр талаби эканлиги ҳам кўриниб турибди. Айтилаётган фикрлардан ҳарбийларимизнинг ҳам хабардор бўлишлари жуда самарали натижадир. Ахир биз кимларнинг авлодларимиз! Боболаримиз машҳур Паҳлавон Маҳмуд Пурёйвалий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур... Уларнинг ҳар бири бир улкан тарих. Бугун биз улар билан ҳар қанча фахр қилсак арзийди. Ўз навбатида биз ҳам уларга мос давомчилар бўлишимиз керак. Бу ўринда командирларнинг ўзлари етук билимдон, шахсий намуна бўла олишлари асосий жиҳат. Ўн икки ёшиданоқ тарих саҳнасига чиққан, ҳаёти мураккаб воқеликларга тўла, кам сонли лашкар билан душманнинг қудратли қўшинларини тор-мор этган улкан салтанат соҳиби Мирзо Бобурни эсланг. Навкарлари учун ҳамиша шахсий намуна бўлган бу буюк инсон ҳаётининг ҳар бир куни сабоқ олишга арзигулик. Сабоқ-ки фидойиликдан, мардликдан, ҳалолликдан, ватанпарварликдан! Ҳа, буларни ўрганиш нафақат тарбиячи офицер ёки командирлар учун, балки ҳар бир ўзбек фарзанди учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Мана, ўн беш йилдан зиёд вақт ўтибдики, юртимизда улуғ Истиқлолнинг хуш насимлари эсмоқда. Муборак Истиқлол юртимиз жамолини янада очиб юборган. Муҳташам саройлар, кўркам бинолар, равон йўллар, кўприклар – барчаси Ўзбекистон аталмиш жаннатмонанд ўлка чиройига чирой қўшган. Ана шу муборак Истиқлолни асраш, осойишталикни сақлаш учун ҳам биз пухта билим ва кўникмага, юксак жанговар тайёргарликка эга бўлиб, ҳамиша Юртбошимиз айтганларидек, ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз керак.

Капитан Ярматовнинг фикрларини эътироф этарканман, хаёлимдан Президентимизнинг ушбу сатрлари ўтди: **«Армия сафларида ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим».**

Ростдан ҳам жисмонан етук, билимли, мард ва садоқатли посбонлари бор юртга ёт нигоҳлар асло таҳдид сололмайди. Зеро, олиб борилаётган ислоҳотлардан ҳам кўзланган бош мақсад шу, десак хато қилмаймиз.

**Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

## ИЗУЧАЕМ ПОЗДРАВЛЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА

Заметки публициста

# МОЖЕМ УВЕРЕННО СМОТРЕТЬ В БУДУЩЕЕ

**Не ошибусь, если скажу, что все мы, узбекистанцы, с огромным воодушевлением, глубоким интересом и душевным волнением восприняли праздничное поздравление Президента страны, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова защитникам Родины. Это не только сердечное поздравление главы государства, но и отчет о сделанном страной за последние 15 лет в области военного строительства и постановка новых задач на ближайшую перспективу.**

Сегодня, вглядываясь в глубину веков истории человечества, мы воочию убеждаемся в том, что во все времена дело защиты Отечества и родной земли было делом, священным для каждого ее сына. И строя новую армию, мы исходили именно из этой народной традиции, создавали армию плоть от плоти народа. Мы исходили и из того, что **любое государство начинается с обеспечения безопасности своих границ и мирной жизни народа, с создания собственных Вооруженных Сил.**

Переходный период для любой страны – задача со многими неизвестными. Условия для создания армии независимого Узбекистана были далеко не благоприятными – разрыв экономических связей, обострение социально-политических противоречий на всем постсоветском пространстве, военное наследие в сложном материальном и морально-психологическом кризисе.

**«За истекшие 15 лет, – говорится в праздничном поздравлении защитникам Родины, – в Узбекистане проведена огромная по своим масштабам и глубине работа по строительству Вооруженных Сил, отвечающих современным требованиям и стандартам, формированию национальной армии – надежного гаранта независимости, безопасности и территориальной целостности, устойчивого поступательного демократического развития страны».**

В основе этой работы лежала **глубоко продуманная долгосрочная программа реформирования и модернизации армии, основанная на абсолютно новых принципах военного строительства и организации Вооруженных Сил.** Реформирование Вооруженных Сил на основе единой государственной политики охватывало всю их структуру снизу до верху, качество вооружения и боевой техники, внедрение компьютерных и информационных технологий, систему оперативно-стратегического управления и вопросы взаимодействия, боевую, оперативную и общественно-политическую подготовку, методы обучения и воспитания, материально-бытовые условия и социальную защиту всех категорий военнослужащих, а также систему призыва, сокращение сроков срочной военной службы, мобилизационную подготовку военного резерва и повышение престижа военной службы.

В рамках этой программы в кратчайшие сроки были созданы военные округа, пограничные регионы, пересмотрен состав соединений и частей Вооруженных Сил и их дислокация. Сегодня Вооруженные Силы Республики Узбекистан включают в себя соединения и части Министерства обороны, Пограничные войска и Караульные войска и воинские формирования других министерств и ведомств. Создан и успешно действует Объединенный штаб Вооруженных Сил, названный в праздничном поздравлении **«мозговым центром»** оперативно-стратегического управления, боевой и оперативной подготовки войск и способов их боевого применения.

Президент И.Каримов особо подчеркнул, что **«на важнейших операционных направлениях созданы подразделения Сил специальных операций. Особая система подготовки этих подразделений, оснащенность современными видами вооружения делают их, как подтвердил опыт проведения операций по ликвидации бандгрупп международных террористов... мощным средством, способным дать достойный отпор любым агрессивным устремлениям вероятного противника».**

В ходе реформирования Вооруженных Сил был осуществлен переход к комплектованию войск в основном по контракту, сокращен срок срочной военной службы с 18 до 12 месяцев, введен новый вид военной службы – служба в МПР, создан качественно новый институт подготовки и прохождения службы сержантами. Как отмечается в праздничном поздравлении, **«сегодня сержантский состав становится поистине несущим хребтом нашей армии, наставником солдат, надежным помощником офицеров».**



Претерпела глубокие качественные изменения система подготовки национальных военных кадров, в том числе и военных кадров высшей военной квалификации. Сегодня она нацелена на обеспечение высокого профессионализма и повышение интеллектуального уровня офицерских кадров, что позволяет укомплектовывать все виды и рода войск Вооруженных Сил хорошо подготовленными и современно мыслящими командными кадрами, в полной мере отвечающими высоким требованиям нашего времени.

Важнейшим результатом военной реформы, следствием постоянной и всевозрастающей заботы руководства республики о военнослужащих всех категорий военная служба в рядах нашей армии стала не только конституционным долгом гражданина Узбекистана, но и одной из престижных профессий в нашей стране. Доказательством этому служит тот факт, что в последние годы комплектование Вооруженных Сил военнослужащими срочной службы осуществляется на конкурсной основе. Большие конкурсы – и при поступлении в высшие военно-образовательные учреждения. Важным фактором, повышающим престиж военной службы, является также и то, что **«молодые люди, пришедшие в армию, – отмечается в послании главы государства, – не только осваивают военные специальности, – здесь происходит физическое и духовное возмужание наших детей, формируется цельность их характера и твердая жизненная позиция, готовность встать на защиту Родины».**

В истекшем периоде мы из года в год наращивали свои усилия в решении проблем национальной безопасности как на национальном, так и региональном и глобальном уровнях, внося усилиями главы нашего государства в отношение к этой общечеловеческой проблеме прагматизм, конкретность и действенность, опирающиеся на глубокое знание дела. Исходя из того очевидного факта, что в современных условиях безопасность может быть только коллективной, мы всемерно расширяли военное и военно-техническое сотрудничество с заинтересованными странами, укрепляли материально-техническую базу войск. Со всеми партнерами вели дела на равных, в уверенном ключе, поднимаясь с каждым своим шагом на новую высоту взаимопонимания, сотрудничества и взаимодействия. Сегодня мы точно знаем, кто наш надежный партнер и с кем нам по пути.

Современное положение в мире и регионе однозначно показывает, что для решения своих экономических, геополитических и геостратегических проблем некоторые страны идут на самые жесткие меры, включая военные. Это учит нас надежно защищаться, наращивать свои усилия в укреплении обороноспособности страны, повышении боевой готовности Вооруженных Сил.

**«Мы живем в непростое время, – говорится в праздничном поздравлении Президента страны, – неослабевающая напряженность в регионе Центральной Азии, продолжающиеся конфликты и противостояния во всем мире, возрастающие масштабы терроризма, экстремизма и наркоагрессии не могут не вызывать у нас серьезной озабоченности».** Вступление Узбекистана в ЕврАзЭС и ОДКБ – это реальный ответ на современные угрозы и вызовы нашей безопасности, суверенитету и конституционному строю. Сегодня мы уверены, что любые экстремистские вылазки, кто бы их ни подпитывал, ни поддерживал и ни поощрял, получат адекватный жесткий отпор.

Подводя итог сказанному, мы можем с чувством национальной гордости и патриотизма заявить, что за годы независимости нами создана принципиально новая национальная армия, способная надежно защитить границы, суверенитет страны и мирную жизнь нашего народа. Тем самым в кратчайшие исторические сроки была решена задача огромной политической и военно-стратегической значимости – созданы мобильные, самодостаточные, хорошо оснащенные и качественно обученные Вооруженные Силы, способные отстоять нашу независимость, территориальную целостность страны, мир и стабильность в стране и регионе. Другими словами, в ходе военной реформы нами создана мощная военная сила, владеющая новейшим вооружением и боевой техникой, информационными и компьютерными технологиями, самыми эффективными методами ведения боевых действий, способная противостоять любой агрессии.

Вместе с этим, мы отдаем себе отчет в том, что живем в сложной и противоречивой обстановке в мире и регионе, где не снижаются, а нарастают бесчеловечные, кровавые злодеяния международных террористов и религиозных экстремистов, когда расширяются масштабы наркоагрессии. Одной из характерных черт этой обстановки является непредсказуемость развития событий, нередко сопровождающаяся потоками клеветы и инсинуаций. Другая черта – это смыкание деструктивных сил с определенными внешними силами с целью дестабилизировать внутриполитическую ситуацию, свернуть Узбекистан и другие страны региона с независимого, светского, демократического пути развития. История уже не раз доказывала, что никакие потуги деструктивных сил и их спонсирующих вдохновителей Узбекистану не страшны. Мы не свернули и не свернем с избранного народом демократического пути развития – пути обновления и прогресса, по которому идем, уверенные в своем будущем.

А путеводной нитью, нравственным наказом всем нам должны стать напутственные слова главы нашего государства о том, что сложная и неспокойная обстановка в нашем регионе и мире целом **требует от нас «мобилизации всех сил и возможностей для того, чтобы обеспечить безопасность страны, ее границ, защитить от любых угроз мирную жизнь и спокойствие наших людей».**

**Анфим ХЛЫЗОВ.**

## ТАҲРИРИЯТИМИЗГА МАКТУБЛАР

### КАСБИМ – МЕНИНГ ФАХРИМ

Биз ҳарбийларнинг севимли ва қадрли нашримиз бўлмиш «Ватанпарвар» газетасидан Президентимиз Ислом Каримовнинг Қуролли Кучларимиз ташкил топганинг ўн беш йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқини ўқиб, жуда қувондим. Ва бу қувончимни сизлар билан баҳам кўришга қарор қилдим. Ўзимнинг хаёлимдан кечган фикрларни газетамиз орқали билдирмоқчиман.

Мустақиллик шарофати билан барча соҳаларда улкан ютуқларга эришдик. Юртимиз тинч, халқимиз фаровон, шаҳар ва қишлоқларимиз обод. Келажагимиз давомчилари бўлмиш ёшларимиз учун барча эшиклар очиқ. Бунинг барчаси мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчликнинг меваси, деб биламан. Юртимиз ўғлонлари армия сафларида хизмат қилишни ўзлари учун катта шараф деб билишади. Улар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Мен ҳам Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётганимдан, она Ватанимиз тинчлиги, осойишталиги, халқимиз фаровон ҳаёт кечириши йўлида камарбаста бўлаётганимдан фахрланаман. Шу ўринда Президентимиз томонидан 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ҳам халқимизнинг ҳаётини янада фаровон бўлишига, энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашда катта замин бўлди, десам муболаға бўлмайди. И.А. Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган табриклари мени ва мен қатори барча ҳарбийларни руҳлантириб юборгани шубҳасиз, албатта. Мамлакатимизда эркин ва фаровон жамият ҳукм сурар экан, ҳурлик шамоли эсиб турар экан, биз ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга эришишимиз аниқ. Мен бунга ишонаман.

**Майор Тоҳир МАМАРАҲИМОВ,**
**Жиззах гарнизони.**



### ВДОХНОВЛЯЮЩЕЕ НАПУТСТВИЕ

Личный состав МХСК с большим воодушевлением воспринял праздничное поздравление защитникам Родины Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова. Оно стало вдохновляющим напутствием и для достижения новых успехов во имя прославления нашей Отчизны в спорте.

В нем есть такие строки: **«Важнейшей задачей командиров всех уровней является дальнейшее совершенствование воспитательной работы в армии, укрепление в сознании каждого военнослужащего чувства высокой ответственности за судьбу страны, воспитание у них высоких моральных и духовно-нравственных качеств, активной жизненной позиции и патриотизма».**

Именно на решение данной задачи направлены сейчас все наши усилия, ведь патриотизм всегда был и остается одним из главных качеств армейских спортсменов, достойно защищающих честь независимого Узбекистана на мировых спортивных аренах. А активные занятия спортом, приоритет здорового образа жизни помогают молодому человеку приносить максимальную пользу обществу, гордиться сознанием своей необходимости.

**Подполковник**
**Рахимжон АЛИМАТОВ,**
**заместитель начальника МХСК**
**по воспитательной работе.**

«Лучший командир батальона»

# ДОСТОЙНЫЙ ПОТОМОК БАБУРА

**Слава великого полководца Захириддина Мухаммада Бабура, воспетая в романах наших соотечественников, с раннего детства определила выбор профессии для уроженца Улугнорского района Андижанской области Мамиржона Ганиева. Успешно окончив Ташкентское высшее общевойсковое командное училище, офицер уверенно движется к цели. А недавняя победа в республиканском туре соревнования на звание лучшего по профессии в Вооруженных Силах прибавила ему новых сил.**



С большой признательностью офицер Мамиржон Ганиев отозвался о своих наставниках – офицерах Салаймахсуме Шарипове, Алишере Алижонове, которые с первых лет его самостоятельной службы сумели заложить в честолюбивом молодом человеке прочный фундамент лидерских качеств и ответственности, высокой штабной культуры.

Капитан Мамиржон Ганиев с завидным упорством шел к цели, пройдя в мотострелковой части путь от командира группы до командира батальона. Кадровые офицеры хорошо знают, как непросто всего за пять лет после окончания училища одолеть эту дистанцию. А наш герой не просто одолел, но за год командования сумел вывести свой батальон в лучшие.

Конечно, не секрет, что успех дела определяет работа с кадрами. В батальоне подобрались настоящие профессионалы своего дела. Так, заместитель командира по боевой подготовке капитан Мукимжон Усаров год назад завоевал звание «Лучший командир взвода» в округе и победил в финале. Лидирующие позиции в состязании командиров взводов и групп стабильно держат старший лейтенант Абдурашид Мирбозоров и лейтенант Фуркат Парпибоев. Участвовал в республиканском финале вместе с комбатом и заместитель командира группы младший сержант Рустам Джураев. В обеспечение высокой боевой готовности подразделения вносят весомый вклад техник взвода младший сержант Шавкат Норбоев, помощник командира взвода по материальному обеспечению младший сержант Давлетер Машарипов.

И все же мало иметь под началом прекрасных офицеров-специалистов, надо еще умело использовать их лучшие качества, организовать на качественное обучение и воспитание личного состава. Сержантский совет батальона во главе с младшим сержантом Д.Машариповым является надежным помощником командира в деле воспитания военнослужащих по контракту. Стоит кому-то допустить малейшее нарушение воинской дисциплины или сбавить результаты в боевой учебе – это сразу же станет предметом обсуждения на сержантском совете.

Один из важнейших стимулов для профессионального роста, умело используемый командиром, – это повышение классной квалификации. Кстати, самому капитану М.Ганиеву после победы в конкурсе присвоен 1-й класс. У капитана М.Усарова 2-й класс, а заместителю командира группы сержанту Ихтиеру Аллаярову присвоен 3-й класс после успешного прохождения второго курса обучения в школе подготовки сержантов.

С гордостью говорит офицер о том, что за последние годы серьезно обновилась учебно-материальная база части, построен спортивный городок, оборудован компьютерными тренажерами полигон.

**Майор Аблай КАМАЛОВ.**
**Фото Дилявера АБЛАЕВА.**

«Энг илғор гуруҳ командири»

# УСТОЗЛАР ДУОСИНИ ОЛГАН

Бобомурод мактабда таҳсил олиб юрган кезларидаёқ ҳарбий бўлишни орзу қиларди. Ўзбек кураши бўйича туман миқёсида ўтказилган спорт мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритди. Сафдошлари орасида доимо биринчи бўлишга ҳаракат қилган Бобомурод мактабда ҳарб илмини устози Холбой ака Сафаровдан ўрганди. Устози унга: «Алпомишдек ор-номусли, ғурурли бўл! Сен мустақил Ўзбекистон фарзандисан, элнинг корига ярайдиган инсон бўл!» деб уқтирарди.

Б.Останақулов мактабни тугатгач Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кирди. У муваффақиятини мактабда таълим берган устозига билдириш учун мактуб йўллади.

Шогирдининг ўқишга кирганини эшитган муаллим қувонганидан ичига сиғмай кетган бўлса ажабмас, ўшанда. Орадан йиллар ўтди. Бобомурод билим юртини муваффақиятли якунлади. Илк офицерлик унвонига сазовор бўлди.

Лейтенант Б.Останақулов 2005 йилдан буён офицерлар сафида МХХ чегара қўшинларида муносиб хизмат қилмоқда.

– Мен устозимдан бир умр қарздорман, – дейди Б.Останақулов. – Ўзбек кураши мусобақаларида ғолиб чиқсам, ютуғимдан қувонар, мағлуб бўлсам, кўнгилга тасалли берарди. Агар ўқув йили якуни бўйича «Энг илғор гуруҳ командири» номинациясида ғолиб бўлганимни эшитсалар, – ўзларида йўқ қувонсалар керак, ҳойнаҳой.

Бобомуроднинг устози таълимидан ғурурланиб, жиндай ийманиб гапиришидан ҳам кўп маъно англайсиз. Камтарин офицернинг мактабдаги устозига бўлган ҳурмати чексиз эканлиги, уларнинг ўгитларини доимо эслаб туриши унинг оқиллиги. Бундан ташқари, билим юртида устозлари ўргатган назарий билимларни амалиётга татбиқ этиб, эришаётган ютуқлари ҳам бекиёс эканлигини ўзгача фахр ила таъкидлайди у.

Дарҳақиқат, мусаффо осмон, осуда тонглар учун ҳар қанча машаққат чексанг арзийди. Шу боиски, чегарачилар ёзнинг жазирамасию қишнинг қаҳратони демай ўз вазифаларини шараф билан уддалайдилар. Тунларни бедор ўтказиб, юрт тинчлигига қалқон бўладилар. Посбонларимиз сергак ва ҳушёр экан, давлат чегаралари муқаддас ва дахлсиздир!



**Капитан**
**Раззоқ ШОЙМАРДОНОВ,**
**МХХ чегара қўшинлари матбуот маркази ходими.**
**Шароф МАВЛОНОВ олган сурат.**

«Энг илғор сержант»

# У БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛДИ



**Жанговар шайликни оширишда ҳарбий хизматчиларнинг юксак маҳорати, малакаси, тажрибаси ҳамда ҳарб илми бўйича эгаллаган билимлари муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳар йили Қуролли Кучларимиз таркибида хизмат қилаётган офицер ва сержантлар ўртасида «Энг илғор мутахассис» танлови ўтказилади. Йилдан-йилга танловда иштирок этаётганлар сони кўпайиб бормоқда. Бу эса танловнинг янада юқори савияда ўтишини таъминламоқда.**

Офицер Ямин Мирзараҳимов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда шарафли ва масъулиятли вазифасини намунали тарзда ўтаб келаётган кичик сержант Ўткир Раҳмонқуловнинг Қуролли Кучларимизда ўтказилган «Энг илғор сержант» танловининг республика босқичида ғолиб бўлиши бежиз эмас, албатта. Эришилган ғалаба замирида улкан меҳнат ва матонат борлигига гувоҳ бўлдик. Айниқса, унинг ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларига жиддий эътибор қаратгани муваффақиятини таъминлаган асосий омиллардандир.

Ўтган йили ҳам ғолибликка сазовор бўлган йигитга бу йилги танловда яна омад кулиб боқди. Тўғрироғи, тиришқоқлик, ўз устида ишлаш, мутахассислиги бўйича билимларини мунтазам бойитиб бориши кичик командирга катта ёрдам берди. «Энг илғор сержант» номинациясида кичик командир посбонлар билан ишлаш вазифалари ва мутахассислиги бўйича тест синовларидан муваффақиятли ўтиб илғорликни қўлга киритди ҳамда Қуролли Кучларимизда биринчи бўлиб, ўз касбининг устаси номига лойиқ топилди.

Ҳа, профессионал асосда шаклланаётган Қуролли Кучларимиз жанговар сафлари, ҳар томонлама етук, ўз соҳасининг билимдони бўлган, ҳақиқий ватанпарвар, шарафли ва масъулиятли касбни ўз ҳаётларининг мазмуни, деб билган Ватан ҳимоячилари билан тўлиб бормоқда. Ишончимиз комилки, бугунги илғорлар ўз қўл остидаги посбонларни ҳам фидойи, мард ва жасур ўғлонлар қилиб тарбиялайдилар.

**Аҳрор ОЧИЛОВ.**
**капитан Дилявер АБЛАЕВ суратга олган.**

БАЙРАМ САДОЛАРИ ● ЭХО ПРАЗДНИКА ● БАЙРАМ САДОЛАРИ ● ЭХО ПРАЗДНИКА ● БАЙРАМ САДОЛАРИ

## ЁШЛАРНИ ФИДОЙИЛИККА УНДАБ

Юртимиз ёшларининг қалбларида ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ўзига хос ҳисса қўшиб келаётган мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг жойлардаги бўлимларида Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги тантаналари муносиб кутиб олинди. Байрам муносабати билан Тошкент бирлашган техника мактабида катта тадбир уюштирилди. Унда мактаб ўқитувчилари ва курсантларидан ташқари бир неча йиллар ушбу соҳада фаолият юритиб, ҳозирда нафақада бўлган фахрий устозлар, маҳалла фаоллари, «Камолот» ЁИҲнинг шаҳар кенгаши вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар ўтган қисқа давр ичида миллий армиямизда амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида фикр юритишди.

– Қуролли Кучларимиз сафларига ҳар томонлама етук ва малакали мутахассисларни етказиб беришда мактабимизнинг алоҳида ўрни бор, – дейди мактаб бошлиғи ўринбосари А.Ҳамроқулов. – Биз курсантлар қалбида Ватанга бўлган муҳаббатни янада юксалтириш мақсадида байрам арафасида турли тадбирлар билан бир қаторда, спорт мусобақаларини ҳам ўтказишни анъанага айлантирганмиз.

Байрам арафасида Тошкент бирлашган техника мактаби курсантлари ўртасида спортнинг югуриш, мерганлик, кураш, шахмат турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Бундай байрам нашидаси мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Сергели тумани кенгашида ҳам ўзига хос тарзда нишонланди.

– Байрам тадбирлари доирасида туманимиздаги кўплаб маҳалла ва коллежларда учрашувлар ўтказдик, – дейди кенгаш раиси З.Маматова. – Бундай тадбирларни ўтказишимиздан мақсад, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш баробарида уларни спортнинг техник ва амалий турларига янада қизиқтиришдан иборатдир.

**Агнеш ҚУРБОНОВ.**

## МАСЪУЛИЯТНИ АНГЛАБ

Барча ҳарбий муассасаларда бўлгани каби мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қорақалпоғистон Республикасига қарашли Нукус автомобиль мактабида ҳам Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллик шодиёналарини муносиб кутиб олишга жиддий ҳозирлик кўрилди. Мактаб раҳбарияти томонидан курсантлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Бундан ташқари мактаб курсантларини аскарлар ҳаёти билан яқинроқ таништириш мақсадида ҳарбий қисмга саёҳат уюштирилди. Бўлғуси юрт ҳимоячилари учун бундай тадбирларнинг уюштирилиши фойдадан холи бўлмади. Биз курсантлар аскарлар билан бўлган суҳбатимиз чоғида улар билан яқиндан танишиб ўзимизни бир он бўлсада юрт посбони сифатида ҳис қилдик. Бундай тадбирлар тез-тез ташкиллаштирилса, биз учун янада яхшироқ бўларди. Чунки ҳарбий ҳаёт билан танишиш баробарида ҳаёт мактаби аталмиш армия масъулиятини ҳозирданоқ теран англаб борамиз.

**Руслан ЖАНГАБОЕВ.**
**Нукус автомобиль мактаби курсанти.**

## ХИЗМАТИНГГА ШАЙМИЗ, ВАТАН!

Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил топганига 15 йил тўлиши ҳамда «Ватан ҳимоячилари куни»га бағишлаб ўтказилган байрам шодиёналари ана шундай номланди.

Тарихдан маълумки, ҳар қандай мамлакат, ҳар қандай халқ ўз сарҳадларини, азиз ва муқаддас Ватани, ўз хавфсизлигини, ўз аҳолисининг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилолмас экан, уни тўлақонли давлат деб бўлмайди.

Ушбу вазифаларни мамлакатимизда амалга ошириш эса Алпомиш авлодлари бўлган жасур жангчилар, аскарлару офицерлар зиммасидадир. Коллежда таълим олаётган ўқувчилар эса она Ватанимизда истиқомат қилувчи тенгдошлари каби ҳарбийдаги ўз ота ва акаларининг муносиб ўринбосарларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан тобора ривожланиб бораётган таълимнинг касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлар тизимида ўқув-тарбия жараёни давлат стандартлари асосида ташкил қилиниб, касб-ҳунар коллежларининг ўқув дастурига «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фани ҳам киритилган. 1999 йилдан бери мазкур коллежда «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» кафедраси фаолият кўрсатиб келмоқда.

Коллежда ушбу кафедранинг ташкил қилиниб, ўқув гуруҳларида чақириққача ёшларни тайёрлашнинг олиб борилиши, назарий машғулотларнинг дала шароитида амалий машғулотлар билан уйғунлашган ҳолда ўтилиши коллеж ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотиб, уларда Ватанга муҳаббат, Ватан ҳимоячиси номи билан ғурурланиш каби туйғуларини тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу вазифаларни амалга оширишда захирадаги катта лейтенант доцент Жавоб Хўжаев раҳбарлик қилаётган «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» кафедрасининг ўқитувчилари – захирадаги майор У.Унгалов, капитан О.Дониёров, катта лейтенант Б.Мадаминовларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Бундан ташқари «Оммавий ватанпарварлик тадбирлар ойлиги» режасига биноан коллеж ўқитувчилари захирадаги катта лейтенант Б.Мадаминов бошчилигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари музейида бўлиб, у ерда тўпланган бой материаллар билан танишдилар.

Мана, бир неча йилдирки, коллеж билан офицер Қ.Нахшибандиев хизмат қилаётган ҳарбий қисмнинг ҳамкорлик шартномаси давом этиб келмоқда.

Унга биноан ҳарбий қисм шахсий таркиби коллеж ўқувчиларига ўқув ва амалий машғулотларни ўтказиш учун етарли шарт-шароитлар яратиб бериб, уларнинг ҳарбий тайёргарлиги шаклланишига кўмак бермоқда, коллеж билан турли байрам тадбирларини ўтказишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Байрам арафасида коллеж ўқувчиларидан бир гуруҳи ҳарбий қисмда бўлдилар. Катта лейтенант С.Тожиев ҳарбий қисм ҳаёти ва Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар тўғрисида ўқувчиларга сўзлаб берди.

Коллежда ўтказилган байрам тадбирида ҳам ҳарбий қисм аскар ва офицерларининг иштирок этишганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Коллеж директорининг биринчи ўринбосари, доцент А.Тўлаганов йиғилганларни, шунингдек, ҳарбий қисм вакилларини қутлуғ сана билан қизғин табриклади.

Байналмилалчи жангчи, захирадаги майор А.Раҳмонов, майор Ф.Эгамбердиев, Чилонзор тумани мудофаа ишлари бўлими вакили майор М.Абдулҳаевнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Байрам тадбири давомида коллеж билан ҳамкорлик қилаётган ҳарбий қисм посбонларининг кўргазмали чиқиши намойиш этилди. Коллеж раҳбарияти бир гуруҳ ҳарбийларга эсдалик совғаларини тақдим этди.

**Шавкат ЁҚУБОВ,**
**Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи «Маънавият ва маърифат» бўлимининг масъул ходими.**

## ҲАРБИЙ ЛИЦЕЙДА ТАДБИР

Жаннатмакон юртимизнинг турли гўшаларида бўлгани сингари Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи жамоаси ҳам Ватан ҳимоячилари кунини муносиб қарши олди.

Тантанали тадбир давомида билим маскани директори Собир Аҳроров, Миробод тумани «Нуроний» жамғармаси раиси Ботир Усмонов, туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи офицер Ҳусан Зуфаров, Миробод тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Пўлатова ва бошқалар йиғилганларни байрам билан қутлаган ҳолда эзгу тилак ва ниятларини билдирдилар.

Шундан сўнг Халқ таълими вазирлиги масъул ходими томонидан ҳарбий лицей ўқитувчиларига «Фахрий ёрлиқ»лар топширилди.

Ўз навбатида таълим олиш ва сафдошларига ҳар томонлама намуна бўлиш борасида етакчилик қилаётган, келажакда курсант, офицер бўлишни астойдил кўнглига тугиб қўйган ҳарбий лицей ўқувчилари ҳам тақдирландилар.

Байрам тадбири санъаткорларнинг қизиқарли чиқишлари, тайёрлаган саҳна кўринишлари ҳамда куй қўшиқлари билан ниҳоясига етди.

**Катта лейтанант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.**

## ТИНГЛОВЧИЛАР СОВҒАСИ

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси Қуролли Кучларнинг 15 йиллиги арафасида муносиб совғага эга бўлдилар. Билим юрти қошидаги офицер кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультети тингловчилари томонидан шахмат майдончаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Мазкур майдончани қуришда тингловчи офицерлар – Т.Умаров, Ё.Маҳмудов, А.Эрназаров, А.Васиковларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Қисқа вақт ичида қизғин мусобақа майдонига айланган шахмат майдончаси офицер ва курсантларни ўзига оҳанрабодек торта бошлади. Интеллектуал салоҳиятни юксалтиришда юксак аҳамиятга эга бўлган шахмат майдончаси кенг ўрганишга, қўллашга арзирли тажрибадир. Бу ерда малакасини ошираётган тингловчилар хизмат жойларига қайтиб борганларида мазкур тажрибани қўллаб, посбонлар интеллектуал салоҳиятини янада оширишга ҳисса қўшадилар.

**Подполковник А.НАРЗУЛЛАЕВ.**

## «ЛОЧИН»НИНГ ПАРВОЗИ ЮКСАК

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Ватан ҳимоячилари кунига ва оммавий ватанпарварлик ойлигининг якунига бағишланган тадбир, ҳарбий кафедрада таҳсил олаётган талабалар ўртасида «Балли йигитлар» танлови ўтказилди.

Тантанада институт ректори Қадам Жуманиёзов йиғилганларни қутлуғ байрам билан табриклар экан, бугун профессионал асосда шаклланаётган, фахримиз, ғуруримиз ҳисобланган миллий армиямиз ватанпарварликнинг ўзига хос мактабига айланганини, Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар сабаб озод юртимиз посбонининг мақоми юксалиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, «Нуроний» жамғармасининг Яккасарой туман бўлими раиси Ҳикматилла Охунжонов, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти туман бўлими раисининг ўринбосари Раҳматилла Нажимовлар сўзга чиқишиб, энг фаол ва аълочи талабаларни Фахрий ёрлиқлар билан тақдирлашди.

Сўнгра навбат Ватан ҳимоячилари кунида анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган факультетлараро ҳарбий спорт мусобақаларига берилди.

Мусобақа якунига кўра институтнинг Енгил саноат технологияси факультетининг «Лочин» жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, парвозлари баланд сарлочинлар эканлигини исботлашди. Пахта саноати технологияси ва механика факультетининг «Темурийлар» жамоаси иккинчи, Соҳа иқтисодиёти ва менежмент факультетининг «Турон» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари институт ректорати номидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Ўйлайманки, бундайин тадбирларнинг ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўрни беқиёс.

**Подполковник**
**Раҳматулла НОДИРОВ.**

## БАЙРАМГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Тошкент давлат авиация институтида Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Миробод тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи полковник Х. Зуфаров, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасининг бўлим бошлиғи адлия подполковниги И. Рустамов, ҳарбий кафедра етакчиси подполковник Ғ. Турғунов, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Миробод туман кенгаши раиси М. Абдуллаев, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда институт талабалари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққан меҳмонлар йиғилганларни байрам билан табриклаб, миллий армиямизнинг ташкил этилиши ва ҳуқуқий асослари ҳамда бугунги кунда Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчиларга берилаётган имтиёзлар тўғрисида атрофлича тўхталдилар ва юртимиз тинчлигини сақлаш йўлида хизмат қилаётган барча ҳарбийларга омад ва бахт тиладилар.

Тартиб интозом борасида юқори кўрсаткичларга эришган талабалар фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Байрамона безатилган саҳнада концерт дастури намойиш этилгач байрам дастурхони ёзилди.

**Муслима ТУРСУНБОЕВА.**

## КЎТАРИНКИЛИК ҲУКМ СУРДИ

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультетида ҳам 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир уюшқоқли ўтди.

Ташриф буюрган меҳмонлар – уруш ва меҳнат фахрийлари, билим юрти устоз-офицерлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, курсантларнинг ота-оналари ҳамда маҳалла фаолларини махсус факультет бошлиғи офицер Ҳабибулло Абулқосимов умумхалқ байрами билан қутлади. Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети проректори Бахтиёр Омонов, Юнусобод тумани «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими бошлиғи Маҳмуд Асамов, туман хотин-қизлар қўмитаси ходими Мукаррам Нурмуҳаммедова ҳамда курсантларнинг оналари номидан Шоира Файзиевалар сўзга чиқиб, ўзларининг самимий тилакларини билдирдилар.

Умумхалқ байрами муносабати билан билим юрти илғор офицерлари ва Қуролли Кучлар хизматчиларига «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони, «Фахрий ёрлиқ»лар ва пул мукофотлари топширилди. Ташкилий ишларда фаол ва ташаббускор курсантлар ота-оналари ҳам тақдирландилар.

**Катта лейтенант**
**Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

## ФАЙЗЛИ ТАНТАНА



Юртимизнинг барча гўшасида бўлгани сингари республика Олимпия захиралари коллежида ҳам 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги муносиб нишонланди.

Тадбирни коллеж директори Мурод Алиев очар экан, ўз сўзида бўлажак юрт ҳимоячиларини байрам билан табриклаб, йигитларнинг буюк аждодларимиз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур Мирзодек юрти, эли учун ҳар қандай хизматга тайёр мард, довюрак ўғлонлар бўлиб етишишларига тилак билдирди.

Ватан ҳар қандай шароитда ва вазиятда ўзининг жасур ўғлонларига суянади. Азалдан алплар диёри бўлмиш, бизнинг мамлакатимизда ҳар бир ўғлонни юртпарвар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади. Аждодларимиздан қолган бу анъана асрлар оша шаклланиб, сайқалланиб, бизгача етиб келган. Айни пайтда баркамол авлодни тарбиялашда бунинг ўрни ҳар қачонгидан-да муҳим.

Шу боис тадбирда коллеж жамоаси тарихда ўтган буюк бобокалонларимизнинг ибратли ҳаёт йўлларига яна бир назар солишди.

– Биз ушбу тадбирда Амир Темур ва Бобур Мирзоларнинг жанг санъатини бежизга саҳналаштирмадик, – дейди биз билан суҳбатда маънавият ва маърифат ишлари бўйича коллеж директори ўринбосари Шоира Абдуллаева. – Ушбу саҳна кўриниши орқали коллежимиз ўқувчилари қалбида туғилган заминига нисбатан меҳр ҳиссини янада уйғотишни кўзладик.

Тадбирга коллеж «Ниҳол» фольклор дастасининг ўзига хос чиқиши янада файз бағишлади.

**Сейман НАЗАРОВ.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**



## ЮРТ ҲИМОЯЧИЛАРИНИ ҚУТЛАБ

Умумхалқ байрамига бағишланган тадбирлардан яна бири Юнусобод туманидаги 265-сонли мактабда юксак савияда ўтказилди. Ватан ҳимоячиларини муносиб қутлаш учун мазкур илм даргоҳи маъмурияти тантанага олдиндан пухта ҳозирлик кўрди. Фаол ўқувчи ёшлар эса Ватан ҳақидаги куй ва қўшиқларни ижро этиб, саҳна асарларидан парчаларни моҳирона намойиш қилишга интилдилар.

Тантанага Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Махсус факультетнинг устоз-мураббийлари, аълочи курсантлари қатнашдилар. Бўлғуси алоқачи офицерлар байрам иштирокчиларига Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад, ҳукуматимиз томонидан она юртимиз ҳимоячилари учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар, уларга кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликлар хусусида фахр билан сўзлаб бердилар.

Байрам тадбирида давлат ва жамоат ташкилотларининг мутасадди ходимлари ҳам иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ФАХРИЙЛАР ИЗЗАТУ ИКРОМДА

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 327-умумтаълим мактабида «Мардлар қўриқлайди, Ватанни» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Туман мактабларида фаолият кўрсатувчи чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари ҳамда маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этган мазкур тадбирда Юнусобод тумани халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Муаззам Ғуломова, мазкур бўлим чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик услубчиси Музаффар Зияев, туман мудофаа ишлари бўлимидан вакиллар қатнашдилар.

– Ушбу тадбиримизга узоқ йиллар мобайнида болажонларга билим беришдек масъулиятли касбда фидокорона меҳнат қилган ва айни пайтда саксон ёшни қаршилаган устозларимизни ҳам таклиф этганмиз, – дейди 327-мактаб директори Муҳайё Мақсудхонова. – Уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари, давр оша синалган бой тажрибалари барчамиз учун ибрат ва намунадир. Қолаверса, улар билан дийдорлашиш, ҳамсуҳбат бўлиш, соҳага оид масалалар хусусида фикр алмашиш нисбатан ёш ўқитувчиларимиз, барчамиз учун ниҳоятда фойдалидир.

Мактабда мавжуд спорт тўгаракларининг аъзоларининг чиқишларидан сўнг тадбир қанашчилари учун байрам дастурхони ёзилди.

**Катта лейтенант Учқун САИДНАЗАРОВ.**

## МАКТАБДА БАЙРАМ

«Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан Миробод туманидаги инглиз тилига ихтисослаштирилган 294-мактабда «Балли йигитлар» танлови ўтказилди. Қизиқарли ва муросасиз баҳслар асосида ташкиллаштирилган ушбу беллашувда бўлажак юрт ҳимоячилари ўз маҳорати ва зукколигини намойиш қилишди.

– Келажакда аскар бўлиб юртимизни ҳимоя қилиши лозим бўлган бу йигитлар ҳозирданоқ ҳарбий ҳаётга мослашиб боришлари керак, – дейди мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Муқаддас Эгамбердиева.

Беллашув шартларини кузатадиган бўлсак, иштирокчилардан эпчиллик билан бир қаторда ақлий тафаккур ҳам талаб қилинади. Айниқса, уларнинг аскарлар ҳаёти ҳақидаги қизиқарли саҳна кўринишлари кўпчиликка манзур бўлди.

Тадбир мобайнида мактаб қошида тузилган рақс ва мусиқа, кикбоксинг, бадиий гимнастика клубларида маҳоратини ошираётган ўқувчиларнинг ўзига хос чиқишлари намойиш этилди.

Тадбир сўнгида беллашув ғолиблари аниқланиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

**Карина ҚУРБОНОВА.**

## БАРДАВОМ ТАНТАНАЛАР

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган турли тадбирлар ҳамон давом этмоқда. Гулираъно Абдураззоқова етакчилигидаги Мирзо Улуғбек тумани ўқувчилар ижодиёти марказида ҳам қутлуғ сана муносабати билан туман мактаблараро «Балли йигитлар» танлови ўтказилди. Танлов иштирокчилари орасида 225-мактабнинг «Шунқорлар» гуруҳи ўзларининг қувноқ чиқишлари билан барчадан устун эканликларини намойиш этдилар. Ўқувчилар – Собир Саидов, Сирожиддин Садриддинов, Нодир Абдуллаев, Мурод Якубов, Жаҳонгир Кўчаров, Бегали Болтабоев, Амрулло Олимов, Павел Пан, Федор Марковский чиқишларида ҳарбий касбга муҳаббат, ҳурмат яққол акс этди. Ёш билимдонлар келажакда Ватаннинг муносиб посбонлари, юртпарвар фарзандлари бўлишлари шубҳасиздир.

Ўқувчилар ижодиёти маркази жамоаси ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муҳим ҳисса қўшадиган бу каби тадбирларни кўп маротаба ташкиллаштирган. Марказда ўз ишининг фидойилари бўлган педагоглар – Саодат Имомова, Лола Лутфуллаева, Ширмоной Асранова, Лола Зайнутдинова, Шоира Абдужабборовалар фаолият кўрсатадилар.

**Инобат НОДИРШОҲОВА.**

# ВАТАНПАРВАРЛИККА ЙЎҒРИЛГАН МАҚСАДЛАРИМИЗ МЕВАСИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Ҳа, эзгу мақсадлар замиридаги ниятларимиз ўз самарасини беряпти. Юртбошимиз байрам табригида миллий армиямизни янада шакллантириш йўлида олдимизда турган устувор вазифаларни санар экан, жумладан шундай дейди: **«Барча бўғиндаги командирларнинг энг муҳим вазифаси армиядаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварлик ҳиссиётини кучайтиришдан иборат эканини яхши англаб олишимиз зарур».**

Хўш, ёшларимизни ҳақиқий ватанпарварлар этиб тарбиялашимиз йўлида нима ишлар қилинмоқда? Буни яқинда ниҳоясига етган оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги мисолида кўриб ўтсак.

Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, Қуролли Кучларимиз ташкил топган сана арафасида республикамиз бўйича ўтказиладиган мазкур ойлик анъанага айланган. Ойлик доирасида ўтказиладиган тадбирлар ёшларимиз, кенг жамоатчилик қалбида юртга, халққа, бурчга бўлган муҳаббат, садоқат туйғуларини шакллантириб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, давлат ва жамоат ташкилотларининг кенг, самарали ҳамкорликлари натижасида ватанпарварлик тарбиясининг ўзига хос усул-услублари шаклланмоқда.

Миллий армиямизнинг шонли 15 йиллик тўйи муносабати билан ўтказилган бу галги оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлигида аввало жойларда тарғибот гуруҳлари тузилди. Бу гуруҳлар таркибидаги эл-юртимизга фидойи ва садоқатли, ҳақиқий ватанпарвар, чуқур билим ва катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсонлар, сиёсатшунос ва тарихчи олимлар, ижодкорлар ойлик давомида мамлакатимиз аҳолиси, ҳарбий хизматчилар орасида Қуролли Кучларимизнинг давлат хавфсизлиги ва халқимиз тинчлигини асрашдаги ўрни, роли ҳақида, амалга оширилаётган ҳарбий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти борасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишди.

Олий ўқув юртлари, лицей, коллеж ва умумтаълим мактаблари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти мактабларида «Ўзбекистон: жамият ва армия», «Ўзбекистон Қуролли Кучлари ислоҳотлар шароитида, мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашда уларнинг ўрни ва роли», «Ўзбекистон Қуролли Кучлари – мардлик ва ватанпарварлик мактаби», «Ўзбекистон Қуролли Кучлари – минтақада тинчлик ва барқарорлик кафолати» каби мавзуларда давра суҳбатлари, кечалар ўтказилди.

Маҳаллий ҳокимликлар ҳарбий қисмларда ойлик доирасида турлича тадбирлар ўтказди. Масалан, пойтахт ҳокимлигининг ташаббуси билан давлат, жамоат ташкилотларидан иборат бир гуруҳ офицер Қаҳрамон Нахшибандиев командирлик қилаётган ҳарбийлар ҳузурида бўлишди. «Ватан ҳимоячилари кунининг, оммавий ватанпарварлик ойлигининг бундайин кўтаринки ўтишини муддатли ҳарбий хизматга келиб, янада яққол ҳис қиляпман. Бу ойлик эмас, ўзига хос бир анъана экан», дейди оддий аскар Сарвар Бекчонов.

Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлигида «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!», «Тинчлик ва осойишталик учун курашмоқ керак», «Ҳушёрлик ва сергаклик – замон талаби» мавзуларида фан, маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирлар иштирокида адабий-бадиий кечалар ўтказиш режалаштирилганди. Таҳририятимизга келган хабарларга кўра қисм ва бўлинмаларда ўтказилган бундайин маданий-маърифий тадбирлар Ватан ҳимоячиларининг онгу тафаккурига миллий истиқлол ғояларини сингдиришда муҳим аҳамият касб этган.

Президентимиз посбонларимизнинг маънавий тарбиясига эътибор қаратар экан, уларнинг юксак ақл-заковат, интеллектуал салоҳият, мустаҳкам ирода, ўз халқига садоқат туйғулари билан ажралиб туриши лозимлигини таъкидлайди. Тилга олинган ойлик доирасида ўтказилган тадбирларда ҳам бу тамойилга кенг аҳамият берилади. Мисол учун Мудофаа вазирлиги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда ўтказган «Ўз ҳуқуқингни биласанми?» танловини олайлик. Таъкидлаш жоизки, бундайин танловлар она юрт ҳимоячиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, демакки, демократик ва инсонпарварлик тамойиллари асосланган мустақил тараққиёт йўлимизни кенгроқ англашга хизмат қиляпти.

Олий ўқув юртлари, лицей ва коллежлар, умумтаълим мактабларида таҳсил олишаётган ёшлар Қуролли Кучлар марказий музейига, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг «Шонли Ватан тарихи» музейларига олиб борилгани уларда аждодлар анъаналарига, буюк тарихимизга ҳурмат, эътибор туйғуларини шакллантиргани шубҳасиз.

«Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини ойлик режасига кўра Қуролли Кучлар марказий музейига олиб бордим. Ёшларимиз бу ердан олам-олам таассуротлар билан қайтишди. Улар буюк аждодларимизнинг, саркарда боболаримизнинг жаҳон тарихида тутган ўрнидан тортиб, миллий армиямизнинг бугунги шаклланув жараёнларигача, бари-барини ўз кўзлари билан кўриб, ақли билан идрок этишди. Музейдан уларнинг фахру ифтихорга кўмилиб қайтгани ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга», дейди захирадаги катта лейтенант Б.Мадаминов.

Ойлик давомида, Ватан ҳимоячилари куни арафасида истиқлолимиз, тинч ва осойишта ҳаётимизни ҳимоялаш йўлида фидойилик кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган марду майдонларимизнинг доимо хотирланишини яхши биламиз. Байрам шукуҳи кезиб юрган кунларда жойларда кўплаб ана шундайин эзгу ва хайрли ишлар амалга оширилди. Таъкидлаш лозимки, бу борада Мудофаа вазирининг хайрли ва эзгу ишга йўғрилган буйруғи ҳам бор. Мазкур буйруқ асосида мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини сақлаш, хизмат бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган она юрт ҳимоячилари байрамларда ёдга олинади, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Хизмат бурчини, Конституциявий бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбийларимизнинг оилалари ҳарбий қисмлар, мудофаа ишлари бошқармалари томонидан оталиққа олинади. Ҳар бир байрамда, шу жумладан, Ватан ҳимоячилари кунида оталиққа олинган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

**ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД БУНДАЙИН ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАЪСИРИДА ШАКЛЛАНИБ, МАЪНАВИЯТИ БОЙИЙДИ.**

Янгийўл тумани Халқобод қишлоғига марҳум офицер, матонат, жасорат кўрсатиб, сўнгги томчи қолгунча бурчига содиқ қолган ўғлон Шермуҳаммад Ашировнинг хонадонига туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Шуҳрат Аҳроров, туман фуқаролар йиғини раиси Тўрабой Жўраев, маҳалла оқсоқоли Туроб Эрматовлар ташриф буюришиб, мард посбонни ёд этишди. Гап ёрдам ёки ижтимоий ҳимояда ҳам эмас. Муҳими Ватан, халқ учун жон фидо этган фарзандларнинг доимо хотирланиши, улар руҳларининг шод этилишида. Ўсиб келаётган ёш авлод бундайин қадриятларимиз таъсирида шаклланиб, маънавияти бойийди.

Тилга олинаётган ойлик давомида жойларда оммавий спорт тадбирлари ўтказиш ҳам анъана тусини олганини яхши биламиз. Нафақат қисм ва бўлинмаларда, балки таълим-тарбия, мактабгача тарбия масканларида ҳам кўплаб спорт мусобақалари ўтказилади. Масалан, «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг қуйи босқичларига айнан шу ойлик давомида старт берилиши муҳим аҳамият касб этади. Ҳа, бундайин саъй-ҳаракатлар фарзандларнинг ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлишини таъмин этади.

Мана, бир неча йилдирки, Ватан ҳимоячилари куни арафасида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ҳарбий кафедрада таҳсил олаётган талабалар ўртасида «Балли йигитлар» танлови ўтказилади. Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллик тўйига бағишланиб ўтказилган бу галги ҳарбий-спорт мусобақаси ҳам кўтаринки руҳда ўтди. «Анъанага айланган бу мусобақани кафедрамизда таҳсил олаётган талабаларимиз ҳарбий соҳада эгаллашаётган билимларининг, ватанпарварлик руҳида олишаётган таълим-тарбиясининг ўзига хос сарҳисоби дейишимиз мумкин», дейди кафедра бошлиғи подполковник Алишер Исмоилов.

Хуллас, республикамизда ойлик доирасида улкан ишлар амалга оширилди. Йилни шундайин эзгу, хайрли ишлар билан бошлашимиз қўяжак қадамларимизнинг янада қутлуғ келишини, ватанпарварликка йўғрилган орзу, мақсадларимизнинг амалга ошишини таъмин этишида устувор аҳамият касб этиши шубҳасиз. Муҳими, бу борада эскича, сийқаси чиққан усул-услублардан воз кечиб, жамоатчиликнинг, ёшларимизнинг фикрларини ривожлантиришнинг шундайин замонавий йўлларини топаётганимизда. Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлигининг ҳар сафар ўзгача мазмун-моҳият касб этаётгани ана шундан бўлса керак.

**Майор Алижон САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**












Суратлар таҳририят фотоархивидан олинди.



# СОҲИБҚИРОН ДАВРИДА КОММУНИКАЦИЯ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Оммавий коммуникациянинг турлари ҳамда унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш учун биз ўрта асрларда битилган асл манбаларга мурожаат қилсак, энг ишонарли ва қимматли маълумотларга эга бўламиз. Бу йўналишдаги тарихий асарлардан бири сифатида Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ҳақида ҳикоя қилувчи Низомиддин Шомий қаламига мансуб «Зафарнома» асарини кўрсатиш мумкин.

Асарда Амир Темур ўз ҳарбий юришларида оммавий алоқа воситаларининг турлари ҳамда шаклларидан тадбиркорона фойдалангани, ҳарбий юришлар доимо ғалаба билан якунланганлиги, бунда ҳарбий коммуникациянинг аҳамияти баланд бўлганлиги ва пухта ишлаб чиқилган ҳарбий режаларга асосланганлиги ҳам кўрсатилади.

Амир Темурнинг топшириғи ҳақида Шомий шундай ёзади: «Ҳар ерда, вилояту шаҳарда ва ўрдада кундалик воқеаларни тайин қилсинларки, ҳокимлар, раият, сипоҳ ўзининг ва ёт лашкарнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин, агар хабар ёзувчи сипоҳийнинг хизматини яширса ёхуд хабарни бошқа либосга кийинтириб (ёлғон) ёзган бўлса, у ўз жазосини олур».

Ҳар бир ҳарбий юриш чоғида Соҳибқирон томонидан аскарларнинг кайфиятидаги ўзгаришларни ўз вақтида етқазиб турувчи махсус кишилар тайинланган.

Бурғу ва дўмбиралар ҳам овозли коммуникация усуллари сифатида ишлатилган. Шомий айтганидек, Соҳибқиронда шундай куч-қудрат бор эдики, у ҳар қандай шароитда ўзининг ақл-фаросати, заковати орқали ва ўзи тарбиялаган садоқатли амирлару, сипоҳийлар ҳамда армияси кўмагида зафар қозонар эди. «Баронғорда бўлган амирзодалар ва жавонғорда турган қариндошларимнинг кўзлари ёв сардорида ва байроғида бўлсин ва шижоату мардлик билан ғаним сафларини бузсинлар, сардорни қўлга тушириб байроғини ерпарчин қилсинлар». **(«Темур тузуклари», 17-бет).**

Ўрта асрлардаги бошқа подшолар сингари Амир Темур жарчиларни нафақат маъмурий ёки маданий, балки ҳарбий коммуникация жараёнига ҳам жалб этган.

Жарчилар овозли коммуникациянинг ягона тури бўлмаган албатта. Бевосита жанг пайтида, яъни лашкарлар бақируви, отлар кишнаши ва бошқа шов-шувларда жарчининг овози эшитилмай қолиши ёки узоққа етмаслиги мумкин. Шу сабабли жанг пайтида Амир Темур кўпроқ ноғора ва карнайчиларни ишга солган. Бу ҳақда Шомий шундай ёзади:

«Шу ҳолатда Амир Соҳибқироннинг лашкарлари курко, карнай ва бурғо чалиб, зўр ҳайбат ва буюк шавкат билан етиб келдилар. Карнай, сурнай овозидан олам шов-шувга тўлдию, жаҳон ўру ғавғога қолди. Шу миёнада Устуй ўз қўшини билан қул қисми орқасидан келиб қўшилди, икки томондан шу қадар кўпчилик ва шавкат билан жанг бошладилар» **(«Зафарнома», 211-бет).** Кўриниб турибдики, товушли коммуникациядан нафақат оммага маълум бир ахборотни етказиш, балки жанг пайтида лашкарлар руҳини кўтариш, ғалабага бўлган ишончни кучайтириш учун ҳам фойдаланилган.

Шунингдек, ҳарбий коммуникацияда унинг ёзма шакллари ҳам тарқалган эди. Масалан, қўмондонларни ва қўшинларни бошқаришнинг муҳим тури Соҳибқироннинг шахсий фармонлари эди. Амир Темурнинг ҳарбий санъатида фармон жанг кетаётган майдонда ҳал этувчи воситалардан бири ҳисобланиб, жанг олиб боришнинг турли хил шаклларини келтириб чиқарувчи, аскарларни руҳий озиқлантирувчи, ёвга кутилмаган томондан зарба берувчи бир зумда пайдо бўладиган тезкор коммуникациянинг бир тури сифатида кўзга ташланади. Жанг пайтида Соҳибқирондан бевосита фармон келиши оддий лашкарлар учун катта воқеа бўлган ва уларнинг кучларига куч қўшган. «Амирлар менинг ёрлиғим етиб бормагунча жангга кирмасинлар ва навбат етмагунча жойларидан жилмасинлар» **(«Зафарнома», 132-бет)**, деган фармон ҳам бўлган. Кўриниб турибдики, жангда ёвга қарши кураш олиб боришни ҳам Соҳибқироннинг ўзи назорат қилган ва ҳатто унинг рухсатисиз бир қадам ҳам жилмаслик топширилган. Ҳар бир бўлинма фақат ўз навбати ва Соҳибқирон буйруғи билан жангга кирганлиги, жанг бораётган майдондаги ҳар қандай ҳаракат ҳисобга олинганлигини кўриш мумкин.

Ҳарбий коммуникациянинг яна бир тури сифатида қоровул, соқчиликни айтиш мумкин. Соҳибқирон соқчилар алмашинишини ҳам тартиб-қоидаларга биноан ўтишини қонунлаштирган ва унинг топшириқларига мувофиқ «ҳар кеча минг киши соқчилик қилсинлар, уларга бир юзбоши қўйилсин ва шартлашилган махфий сўз (яъни парол – «Ўран» дейилмоқчи. **(«Зафарнома», 310-бет)** айтилсин. Ёки бошқа бир мисол: Кеч киргач, довулу ноғора қоқиб ва бурғу чалиб икки томондан ҳам тонг отгунча соқчилик қилинди» **(«Зафарнома», 114-бет).**

Оммавий коммуникациянинг яна бир тури хабар эди. Чопарнинг тезкорлигини талаб қиладиган омил шуки, Амир Темурга ҳар қандай шароитда ҳам ҳарбий ахборот етказа олиши керак эди.

Соҳибқироннинг ҳарбий тажрибаси кўрсатганидек, турли ҳолатдаги хабар етказиш шакллари борки, бундан тадбиркорона фойдаланмаган киши жангда ғалаба қозона олмайди. Шундай экан, хабар эгасига зумда етиши ва шу билан бирга ўз мазмунини йўлда йўқотмаслиги шарт эди.

Шовқин-сурон душман аскарларига салбий психологик таъсир кўрсатишини Амир Темур яхши англаб олган ва бу усулдан моҳирона фойдаланган. «Узоқдан ғолиб лашкарларнинг шукуҳини кўриб, ноғораю карнайларнинг овозини эшитгач, ғанимларнинг вужудлари титраб ларзага тушди, қарши туришга тоқат ва чидамлари қолмай, қочиш йўлини тутдилар» **(«Зафарнома», 335-бет).**

Ҳарбий ҳаракатлар ва жангларни овозли коммуникациясиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Айниқса, ўрта асрларда жанг олиб боришнинг йўналишлари авваламбор овозли коммуникациялар таъсирида белгиланган. Жанг бошлаш пайтида ноғора, карнайларнинг садолари остида юришлар белгиланган. Амир Соҳибқирон жанг бошланишига фармон берди: курко, карнай, бурғу ва ноғоралар хурушидан (қиёмат) сурининг садоси оламни тутди. Қиличларнинг чако-чак овози ва пайдар-пай аёвсиз зарбаларидан маҳшар куни намунаси кўринди». Амир Темур давридаги жангга тайёр бўлиш ва унга киришиш вазифасини карнай-ноғоралар бажарган.

«Нусрат ва ғалабадан дарак берувчи яловнинг моҳичасини у саҳроларда осмонга етказдилар». Демак, ўша даврларда ҳам салютга ўхшаган хабар бериш анжоми бўлган.

Ҳар қандай давлатнинг ҳужжатларини оғзаки равишда исботлаб бўлмаганидек, Амир Темур даврида ҳам ҳар бир ҳужжат фармон, амр ва буйруқлар муҳрсиз ҳолда ҳақиқий давлат ҳужжати ҳисобланмаган **(«Зафарнома» китоби тугатилгач, у ҳам Соҳибқирон муҳри билан ёпилган).**

Коммуникациянинг бошқа турлари сингари ҳарбий ахборот алмашинуви ҳам, давлатни сақлаш, кучайтириш ҳамда кенгайтиришнинг муҳим воситаси бўлган. Ўз-ўзидан тушунарлики, ҳарбий коммуникациянинг барча турларидан маҳорат билан фойдаланиш давлат арбобларига фақат фойда келтирган. Буни эса буюк фотиҳ ва саркарда Амир Темурнинг тарихий юришлари ҳам таъкидлаб турибди.

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА.**

# МАЪНАВИЯТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Суҳбатимиз асносидан кўриниб турибдики, мақоламиз мазмуни мамлакатимиз аҳолисининг тўқсон фоизи эътиқод қиладиган ислом дини, унинг юртимиздаги тараққиёти – шўролар давридаги ҳолатию мустақиллик йилларида динимизга қаратилаётган катта эътибор ҳақида.

Инсоният тарихий тараққиётида катта ўрин тутган ислом дини миллатимиз маданияти ва маънавиятининг ажралмас қисмидир. У неча асрлар давомида юртимизда юксак ривож топиб, инсониятга бир қатор буюк алломаларни, Қуръони каримдан кейинги иккинчи манба – «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» ҳадислар тўплами муаллифи Имом Бухорий, ислом назариётчилигида юксак баҳоланадиган «Илал аш-Шариат ва Хатм ул-Авлиё» рисоласини яратган Ҳаким Термизий, ислом ҳуқуқшунослигини ўрганишнинг асосий қўлланмаси ҳисобланган «Ҳидоя» муаллифи Бурҳониддин Марғиноний, ислом ақидаси асосларини муайян тартибга солган, калом илмида мактаб яратган Имом Мотуридий, буюк фақиҳ Абу Лайс Самарқандий, мусулмон дунёсининг энг эъзозли муҳаддисларидан Исо Термизий, қомусий илмлар соҳиби, хусусан, тафсир, ҳадис, шариат қонуншунослиги бўйича беназир асарлар битган Замахшарий, тасаввуфда салмоқли из қолдирган Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Махдуми Аъзам, Нажмиддин Кубро, Сўфи Оллоёр, Хўжа Аҳрор, Абдухолиқ Ғиждувоний ва бошқа бир қатор улуғ боболаримизни тақдим этгани бежиз эмас. Зеро, ислом дини Арабистонда пайдо бўлиб тарқалган бўлсада, унинг таълимотини кенг миқёсда англаш, халққа осон йўллар билан тушунтириш, Қуръони каримни, Ҳадиси шарифларни кенг шарҳлаб бериш бизнинг диёримиз уламоларига насиб этган.

Тарихга назар ташласак, ислом динининг моҳиятини англаш, талқин қилиш ва унга ёндашувлар турли даврларда турлича бўлиб келган. Хусусан, шўролар мустамлакачилиги даврида гарчанд амалда бажарилмаган бўлса-да, фуқаролар учун виждон эркинлиги. яъни фуқароларнинг у ёки бу динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи эълон қилинган, ҳатто давлат конституциясининг алоҳида моддасида қайд қилинган эди. Амалда эса истибдод йилларида динга қарши муттасил кураш, фуқароларни динга қарши руҳда тарбиялаш сиёсати олиб борилди. Собиқ иттифоқ доҳийсининг «Дин халқ учун афюндир», деган шиори ҳар қадамда ўз кучини кўрсатиб турди. Дин пешволари таҳқирланди, уларнинг фаолияти қаттиқ назорат остига олинди. Энг хавфли ёв, муҳолиф сифатида маҳв этилдилар. Исломга оид бебаҳо китоблар йўқотилди. Юқорида номлари зикр этилган улуғ аллома бобокалонларимизнинг зиёратгоҳга айланган қабрлари топталди, эл назаридан четлатишга ҳаракат қилинди. Отхоналарга айлантирилган ёхуд бутунлай йўқ қилинган минглаб мадраса ва масжидлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Хуллас, машҳур даҳо олимлар ва шоирларни, улуғ муҳаддисларни тарбиялаб берган ислом маданияти реакцион маданият деб қораланди.

Бироқ шўро давлати жамиятда диндорларнинг камайишига эриша олмади. Бу борада халқ иродаси, маънавиятини бука олмади.

Мана, ниҳоят халқимизга истибдод зулмидан қутулиш, ҳурлик насиб этди. Истиқлолга етишганимиздан сўнг, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон ҳукумати динга ва диний ташкилотларга, диндорларга бўлган собиқ иттифоқ сиёсатини инкор этди ва туб ўзгаришлар амалга оширилди. Булар нималарда намоён бўлмоқда? Аввало виждон эркинлиги масаласининг, давлат билан диний ташкилотлар ўртасида муносабат масаласининг мустаҳкам ҳуқуқий негизи яратилди. Бу ҳуқуқий негиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонундир. Булар орқали фуқаролар ва диний ташкилотлар учун кафолатланган ҳуқуқий имкониятлар тўла рўёбга чиқарилмоқда. Республикадаги барча диний уюшма ва жамоаларга қонун доирасида очиқ ва дахлсиз фаолият кўрсатиш имконияти яратилди. Ислом уламоларининг юздан зиёд китоблари, ҳадис тўпламларининг таржимаси халққа етказилди. Муқаддас китоб – Қуръони карим истиқлолга эришган йилларимиздан бошлаб уч маротаба ўзбек тилида чоп этилди.

**Зулфия ЮНУСОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**(Давоми бор).**



# МАНТИҚИЙ МУШОҲАДАЛАР




Математика – аниқ мантиқий мушоҳадаларга асосланган фан. Дастлабки объекти саноқ бўлгани учун ҳам кўпинча унга «ҳисоб-китоб ҳақидаги фан» деб ҳам қаралади. Бу фан энг қадимий фанлар соҳасига мансуб бўлиб, узоқ ривожланиш тарихини босиб ўтган ва бунинг баробарида «Математика нима?» деган саволга жавоб ҳам ўзгариб, чуқурлашиб борган. Бугунги кунда математикани ихчам таъриф билан қамраб бўлмайди. У аксиоматик назариялар ва математик моделларни, улар орасидаги муносабатларни ўрганадиган, хулосалари қатъий мантиқий фандир. Математика фани ҳарбий соҳада ҳам кенг қўлланилади. Шу боис Ватанимиз ҳимоячилари ҳам математикани чуқур ўрганишлари зарур.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг Табиий фанлар кафедрасида профессор Баҳодир Тошпўлатов раҳбарлигида курсантларга математика, физика фанларини чуқур ўргатишга жиддий эътибор бериб келинмоқда. Фақат машғулотлар билан чекланиб қолмай математика, физикага оид турли илмий-амалий анжуманлар ўтказиб турилибди. Ушбу илмий-амалий анжуманларда курсантларнинг ҳам фаол иштирок этаётганлиги қувончли ҳолдир.

– Яқинда, – дейди профессор Б. Тошпўлатов, – «Виртуал лаборатория ишлари» мавзуида курсантлар илмий-амалий анжуманини ўтказдик. Анжуманда курсантларимиз маърузалар ўқишди. Курсант М. Муродов, илмий раҳбари катта ўқитувчи А. Сирлиев, «Горизонтга нисбатан бурчак остида отилган жисмнинг ҳаракати бўйича виртуал лаборатория иши» мавзусида ( Ҳарбий соҳада: ўқлар, гранаталарнинг ҳаводаги ҳаракати ва ички баллистикада қўлланилади), курсант Ж. Санақулов, илмий раҳбари катта ўқитувчи А. Сирлиев, «Эркин ва мажбурий тебранишлар бўйича виртуал лаборатория иши» мавзусида (Ҳарбий соҳада: ҳарбий техникаларда ҳосил бўладиган тебранишларда қўлланилади), курсант Р. Тўраев, илмий раҳбари ўқитувчи А. Сафаров, «Ракета ҳаракати бўйича виртуал лаборатория иши» мавзусида (Ҳарбий соҳада: Реактив снарядларнинг ҳаракатида қўлланилади), курсант И. Ўринбоев, илмий раҳбари доцент И. Ашрапов, «Ёруғлик интерференцияси бўйича виртуал лаборатория иши» мавзусида (Ҳарбий соҳада: ҳарбий оптика асбобларида қўлланилади), курсант Ш. Бойхонов, илмий раҳбари ўқитувчи А. Сафаров, «Фотоэффект ҳодисаси бўйича виртуал лаборатория иши» мавзусида (Ҳарбий соҳада: тунги кузатув ва тунги мўлжалга олиш асбобларида қўлланилади), курсант А. Таваккалов, илмий раҳбари доцент И. Ашрапов, «Водород атоми спектри виртуал лаборатория иши» мавзусида қизиқарли ва мазмунли маъруза қилдилар.

Билим юртида табиий фанлар бўйича курсантларга чуқур билим бериш борасида изланишлар ўз самарасини бермоқда. Курсантларнинг табиий фанларга қизиқиши ортиб, ҳатто ўзлари ҳам илмий изланишлар қилишяпти.

Кафедра профессор-ўқитувчиларининг саъй-ҳаракатлари туфайли бир нечта ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратилди. Шуниси қувончлики, уларнинг аксарияти давлат тилида ёзилган.

Мантиқий мушоҳадаларга асосланган фанлар – математика, физиканинг бўлажак офицерларнинг ақлий салоҳияти юксалишида роли беқиёсдир.

**Абдураззоқ БАЙРАМОВ.**

# УРОКИ БЕЗОПАСНОСТИ

**По инициативе Министерств народного образования и по чрезвычайным ситуациям со второй половины учебного года в 1–9 классах пятнадцати средних школ нашей страны в качестве эксперимента введен новый предмет – «Основы безопасности жизни». Уроки по нему проводятся и в школе №9 города Бухары.**

На этих занятиях школьники будут повышать уровень своих знаний и отрабатывать навыки по оказанию первой медицинской помощи и правильного поведения во время несчастных случаев, пожаров, наводнений, землетрясений и других чрезвычайных ситуаций, соблюдению правил личной гигиены.

Эффект при этом достигается в результате сочетания теории и практики. Поэтому педагоги этой школы работают в тесном сотрудничестве с областным Управлением по чрезвычайным ситуациям. Работники специальной аварийно-спасательной службы при этом управлении проводят для школьников показательные занятия. В ходе преподавания нового предмета ведется анализ полученных детьми знаний.

# «ПОЕЗД ЗДОРОВЬЯ» ОТПРАВИЛСЯ В ДЖИЗАК

**Набирают размах добрые дела, совершаемые в связи с объявлением Президентом Исламом Каримовым 2007 года Годом социальной защиты. Из столицы в Джизакскую область отправился «поезд здоровья», организованный Государственно-акционерной компанией «Узбекистон темир йуллари».**

Как сообщили в информационной службе Государственно-акционерной компании «Узбекистон темир йуллари», группа высококвалифицированных медицинских работников в течение двух недель будет оказывать медицинскую помощь населению Дустликского района, и прежде всего матерям и детям, инвалидам и старикам.

Этот поезд, принадлежащий компании «Узбекистон темир йуллари», оснащен современным медицинским оборудованием. В его состав входят амбулатория, флюорография и другие вспомогательные вагоны, обеспечивающие работу медиков в полевых условиях.

Государственно-акционерная компания «Узбекистон темир йуллари» проводит благотворительные акции, направленные на укрепление здоровья народа, на протяжении уже целого ряда лет. В частности, в 2006 году в Республику Каракалпакстан, Хорезмскую, Бухарскую, Навоийскую, Сурхандарьинскую и Ташкентскую области было отправлено одиннадцать «поездов здоровья».

Специалисты оказали квалифицированную медицинскую помощь тысячам жителей регионов с неблагоприятной экологической обстановкой, а также отдаленных аулов и кишлаков. Масштаб таких добрых дел в нынешнем году намечено еще более расширить.

# ВРУЧЕНА ГУМАНИТАРНАЯ ПОМОЩЬ

**Общество Красного Полумесяца Узбекистана проводит большую работу по пропаганде среди населения здорового образа жизни, укреплению материально-технической базы медицинских учреждений, оказанию медицинской помощи одиноким старикам, людям с ограниченными физическими возможностями, многодетным семьям, их социальной защите.**

В Год социальной защиты общество запланировало дальнейшее расширение этой благородной работы, в том числе в сотрудничестве с международными организациями.

В этом направлении уже накоплен достаточный опыт. Так, в рамках совместного с Германией проекта в последние годы в Бухарской, Самаркандской, Сырдарьинской и Ферганской областях, а также в столице были созданы центры медико-социальной помощи, которые обслуживают в основном нуждающиеся в социальной защите слои населения.

Этим же проектом предусмотрена также гуманитарная помощь, врученная Германским Обществом Красного Креста Обществу Красного Полумесяца Узбекистана. Составляющие ее медикаменты и медицинское снаряжение были отправлены в больницы Сырдарьинской, Самаркандской, Ферганской и Бухарской областей, а также переданы столичной республиканской клинической больнице №1.

**(УзА).**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА БАҒИШЛАНДИ

**«Экосан» халқаро ташкилотида 2006 йилнинг экологик якунлари ҳамда 2007 йил – «Ижтимоий ҳимоя йили» вазифаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, муассис ташкилотлар, қатор вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлари, жамоат ташкилотларининг раҳбар ва вакиллари, «Экосан» фахрийлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда аҳоли ўртасида санитар-гигиеник ва экологик билимларни тарғиб қилиш, ободонлаштириш ишлари, табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитнинг ҳолати ҳамда инсон саломатлиги билан боғлиқ масалалар, ташкилот томонидан йил мобайнида айни йўналишда олиб борилган ишлар хусусида атрофлича фикр юритилди.

Шундан сўнг йиғилиш иштирокчилари «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишлаб бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилиши режалаштирилаётган «Экосан»нинг Мақсадли дастурини муҳокама қилдилар. Дастурга кўра Оролбўйи минтақаси ва республиканинг барча вилоятларидаги ногиронлар, ёлғиз қариялар, кўп болалик ва боқувчисини йўқотган оилалар, мурувват уйлари тарбияланувчиларига «Экосан» поездлари орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадли лойиҳалари амалга оширилади. Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган инсонларга, жумладан, ёлғиз кексалар ва ногиронларга ҳамдард бўлиш, етим, қаровчисиз қолган болаларга эътиборни янада кучайтириш мақсадида тадбиркорлар, фермерлар, ишбилармонлар орасида «Қўшни-қўшнига» шиори остида «Энг мурувватли қўшни», «Энг мурувватли фермер», «Энг мурувватли тадбиркор» кўрик танловлари ўтказилади. Экологик масалаларга бағишлаб бир қатор экофорум, анжуман учрашувлар ташкил этилади.

Йиғилишнинг иккинчи ярмида «Экосан» халқаро ташкилоти ва «ЎЗБЕКЭНЕРГО» Давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида электр энергетикасидан оқилона фойдаланиш, энергия ресурсларини тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ва электр энергияси истеъмолчиларини рағбатлантириш мақсадида ўтказилган «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергия ресурсларидан тежамли фойдаланишни таъминловчи ва рақобатбардош ускунани яратиш» Республика танловининг якунлари эълон қилинди.

Танлов натижаларига кўра, биринчи ўрин ҳеч кимга тақдим этилмади. Тошкент давлат техника университетининг «Электротехника, электромеханика ва электротехнология» кафедраси мутахассис олимлари «Асинхрон электроприводлар учун энергияни тежовчи ускуна»ни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этганлари учун иккинчи ўринга муносиб деб топилдилар. Учинчи ўрин Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институтига «Қуёшдан сув иситиш коллектори» лойиҳаси учун тақдим этилди. Шунингдек, танловнинг ташкилий қўмитаси «Сувни ўтказиш оригинал ускунаси» теоретик иши муаллифи Е.Червяковни танлов мукофотига сазовор, деб билди. Ғолиблар «Экосан» халқаро ташкилотининг дипломлари ва «Ўзбекэнерго» компаниясининг совринлари билан тақдирландилар.

**Лола ҲОЖИМУРОДОВА.**

# «ПРОРОКИ ЗАЗЕРКАЛЬЯ» – СЛУЧАЙНОСТЬ ИЛИ ЗАКОНОМЕРНОСТЬ?

ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА

**(Продолжение. Начало в предыдущих номерах).**

«Партия начала первую стадию в Ал-Кудсе в 1372 году после хиджры (1953/54 гг.) под руководством своего основателя, известного ученого, мыслителя, талантливого политика, кади в суде присяжных в Ал-Кудсе Таджуддина ал-Набхани (Taqiuddin al Nabhani). Именно так действовал посланник Аллаха на первой стадии давах, которая длилась 3 (три) года, приглашая людей лично и представляя им то, что открыл ему Аллах. Он секретно собирал тех, кто верил в него на основе этой идеологии...».

Согласитесь, трудно не заметить смысловую нагрузку цитаты: «Именно так действовал посланник Аллаха», – она, по сути, навязала уравнивание деятельности Набхани с практикой посланника Аллаха. Редактирование Программы инициировал первый преемник Набхани, его сподвижник и многолетний президент партии на палестинских территориях (г.Хеврон) Абд ал-Кадим Заллум (ум. в апр. 2003 г.).

Поддержал бы сам Набхани при жизни инициативу сравнения своей деятельности с деятельностью посланника? Скорее всего, да. Во всяком случае, это подтверждают некоторые пассажи книги «Система ислама», написанной Набхани в 1953 году. К примеру, слова Набхани о том, что «порядок должен исходить только от самого Создателя, а чтобы его сообщить человеку, должны быть посланники, приносящие людям религию Аллаха», мягко подводят читателя к мысли о том, что появление посланников не ограничено, как неограниченна Его высшая власть над людьми.

Здесь мне придется несколько отвлечься. По преданию (Ахмад б.Фарис ар-Раби. Ум. в 1005 г.н.э.), у Пророка среди прочих предметов личного пользования было небольшое зеркальце. Им он пользовался в силу природной опрятности. Но ни в одном из хадисов или описаний не сказано о том, что он, пользуясь им, видел свое отражение в ореоле религиозной славы. Более того, сказано, что он и после сорока лет жил, уважая людей, как посланник Аллаха, не злоупотреблял данными ему правами увещания и пророчества.

Не вдаваясь в более глубокий анализ хизбуттахририовских текстов или текстов авторов иных исламистских движений и без личных претензий на сенсацию, все же рискну высказать вывод, к которому недавно пришел, – Набхани был не единственным, кто в рассуждениях о собственном месте в нашей современности завуалированно или открыто ориентировался как на практику Пророка, так и на сам факт существования его тринадцатилетнего примера.

> НАБХАНИ БЫЛ НЕ ЕДИНСТВЕННЫМ, КТО В РАССУЖДЕНИЯХ О СОБСТВЕННОМ МЕСТЕ В НАШЕЙ СОВРЕМЕННОСТИ ЗАВУАЛИРОВАННО ИЛИ ОТКРЫТО ОРИЕНТИРОВАЛСЯ КАК НА ПРАКТИКУ ПРОРОКА, ТАК И НА САМ ФАКТ СУЩЕСТВОВАНИЯ ЕГО ТРИНАДЦАТИЛЕТНЕГО ПРИМЕРА.

В силу объективных причин не располагая более глубокой архивной и научной информацией (по многим признакам в открытых источниках она отсутствует) и не вдаваясь в утомляющие читателей биографические подробности нижеупоминаемых персонажей, приведу наиболее видимые параллели.

Согласно официальной хронике, в Египте в 1928 году была образована организация «Братья мусульмане». Ее первым лидером и идеологом стал Гасан аль-Бана, казненный в 1949 году после совершения его приверженцами убийства египетского премьер-министра.

На стыке 1951 – 1952 гг. новым лидером организации стал сорокапятилетний Саид Кутб. Через тринадцать лет, т.е. в 1965 году, уже его приверженцы совершили в Египте покушение на Гамаль Абдель Насера.

Из более близких примеров – ориентироваться на тринадцать лет мог и международный террорист Усама бен Ладен. Иначе как объяснить, что период между 1988 г. – один из важных организационных периодов для Усамы бен Ладена – и террористическими акциями 11 сентября 2001 года, совершенными его воспитанниками в США, равен тринадцати годам.

И насколько можно вообще считать случайным выбор проведения террористических актов в США именно в сентябре, если известно, что переселение сторонников Мухаммада из Мекки в Медину ученые датируют сентябрем месяцем 622 года. Не слишком ли много совпадений, если учесть, что 28 июня 2001 года «международному террористу №1» 1957 года рождения исполнилось сорок четыре года.

Упомянув возраст Бен Ладена, мне придется сделать еще одно уточнение и по поводу Набхани.

Свой первый публичный трактат «Послание арабам» Набхани, «озаренный светом Аллаха», преподнес арабам в 1950 году, то есть в год, когда ему исполнился сорок один год.

Что, и это – очередные совпадения или все же стремление маниакальных фанатиков нашей современности, однажды возжелавших продемонстрировать не столько Аллаху, сколько людям озарение собственных душ? И сделать это именно в том возрасте, когда и Мухаммаду было послано первое откровение Аллаха.

А почему бы и нет? Ну почему на самом деле не попытаться достичь политической и религиозной славы и спекулятивно не проимитировать тринадцатилетний пример Пророка? Главное в исполнении этого – не уточнять, что эти годы для посланца Аллаха были сугубо мирными. И что важно, без какой-либо его попытки пролития крови тех, кто не был согласен с содержанием его проповедей и увещаний, не говоря уже о том, что он не декларировал, к примеру, попыток проведения государственных переворотов или актов самоуничтожения.

В исламе уважительное упоминание имени Пророка естественно оттого, что после Аллаха авторитет слов Мухаммада и его жизненный путь – один из самых почитаемых примеров. Более того, наступление зрелого возраста у мусульманина прямо и без аллегорий очерчено словами 15 аята 46 суры Корана: «Когда же он (человек – **прим.авт.**) вырастает до полной зрелости и достигает сорока лет...».

Вопрос, насколько современные сорокалетние мужи соответствуют праву видеть себя в обличие того, кто в течение тринадцати лет нес людям слова Бога, опираясь не на оружие, а устные призывы и увещевания.

**Айдын ГУДАРЗИ.**

**(Продолжение следует).**

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### Спасены горняки

Шестерых горняков удалось вызволить из затопленного рудника на севере Китая, где оказались блокированы в общей сложности 35 человек. Спасатели смогли прорыть наклонный туннель и добраться до одного из трех вертикальных стволов шахты, где ими были обнаружены живыми шестеро горняков. Все они доставлены в больницы, сообщает ИТАР–ТАСС. Остается неясной судьба остальных их товарищей.



### Пережиты «антитеррористические учения»

17 января Россия прожила в ожидании беды. Заявление, сделанное представителем Федерального оперативного штаба (ФОШ) о некоей информации, поступившей в Национальный антитеррористический комитет (НАК) РФ из-за рубежа, о возможном осуществлении теракта на транспорте, создало обстановку всеобщей нервозности. В столице повышенные меры безопасности будут действовать «до особого распоряжения», заявили в городской администрации.



### Взорван автомобиль: 17 погибших

В Багдаде 17 человек погибли и 10 получили ранения во время очередного взрыва в центре города. Как сообщают представители полиции, в момент прохождения патруля иракской полиции смертником была подорвана машина, начиненная взрывчаткой, передает АР.



### Борьба с «Аль-Каидой»

США продолжат военные действия в Сомали до тех пор, пока там не будут уничтожены объекты «Аль-Каиды», а также ликвидированы боевики этой террористической организации. Об этом сообщает AFP. Однако, американские авиаудары по позициям радикальных исламистов в южных районах Сомали могут способствовать усилению экстремизма.



### Освобожден один из заложников

Один итальянский заложник, удерживаемый группой нигерийских боевиков, отпущен на свободу. Об этом сообщил официальный представитель МИД Италии. Оставшиеся три заложника пока – в руках боевиков, передает ИТАР–ТАСС. Освобождение заложника, Роберто Диеги, стало «актом доброй воли», и боевики надеются, что за ним последуют «акты доброй воли со стороны нигерийского правительства».




### Интернет может «остановиться»

В 2007 году в интернете может произойти ряд кризисов и даже полных «блэкаутов», связанных с перебоями связи между континентами. Сети может не хватить пропускной способности для передачи стремительно растущих объемов передаваемой информации. Появляется все больше пользователей, многие из них обмениваются крупными пакетами информации – например, видеофильмами. В то же время провайдеры не заинтересованы в расширении каналов.



### В Калифорнии выпал снег

В Калифорнии выпал неожиданный снегопад. Такое было лишь в январе 1962 года. Снег, град и лед зарегистрированы в Малибу, Санта-Монике и округе Вентура, где вызвали полный хаос на дорогах. По словам местных жителей, ничего подобного они не видели более 20 лет. Снег лежит около пальм, причинен огромный ущерб плантациям цитрусовых.



### Развенчан образ Бонда

В Париже проходит форум европейских культурологов. Предметом обсуждения специалистов по литературе и кино стал образ «агента 007», созданный писателем Йеном Флемингом. Участники встречи «разоблачили» образ Джеймса Бонда с точки зрения исторической, эстетической и даже психоаналитической. Этот литературный и киноперсонаж назван «человеком без биографии, без родителей, без родного дома и без долговременных любовных привязанностей».

(www.NEWSru.com).



## ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Эгнига ҳарбий либос ярашиб турган бу гўзал роппароса икки йил аввал – Ватан ҳимоячилари куни тантаналари нишонланаётган кунларда шартнома бўйича хизматни бошлаган. Буни қарангки, мардлар касбига ишқи тушган шартнома бўйича хизмат оддий аскари Гулноза Рустамовага айнан туғилган кунида ҳарбий либос кийиш насиб этган. Ҳуқуқшунослик колежини тугаллаган Гулноза пазандаликка қизиқади. Бадминтон ўйнашни яхши кўради. Мусиқага, мумтоз адабиётга меҳр қўйган.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор. Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз). Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

## ВЫСТАВКА ЯПОНСКОГО ФОТОГРАФА

**В Ташкентском Доме фотографии Академии художеств Узбекистана проходит выставка работ японского фотохудожника Йосуке Ито.**

В укреплении уз дружбы и согласия между Узбекистаном и Японией важную роль играют культурно-просветительские связи. Ярким доказательством тому служат концерты с участием артистов обеих стран, успешное участие узбекских художников, мастеров народно-прикладного искусства в международных выставках, фестивалях и конкурсах, проведенных в Японии.

Выставка, открытая в Доме фотографии, предоставляет хорошую возможность подробно познакомиться с культурой и искусством, национальными традициями, обычаями Страны восходящего солнца.

**Назокат УСМАНОВА, (УзА).**

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Она Ватанимиз сарҳадларини туну кун матонат билан қўриқлаётган мард ва жасур посбонларимиз, осойишталигимизни асраётган жонфидо инсонлар бахтимизга омон бўлишсин, дея ашъорларида тараннум этаётган шоирларимиз уларга омонлик, куч-қудрат, жасорат тилашади. Шоир Искандар Раҳмон қаламига мансуб «Ассалом Армиям, улуғ остонам!» шеърида ҳам жасур посбонларимиз мадҳ этилади. Оташин сатрларни куйга солиб мадҳ этиш эса сиз, муштарийларимизга ҳавола.

## «АССАЛОМ АРМИЯМ, УЛУҒ ОСТОНАМ!»

Ассалом, Армиям! Улуғ остонам,
Онадай мўътабар, қутлуғ остонам!
Бағрингда тўламиз кучга, қувватга,
Бўламиз измингда мардона ҳар дам.

Армиям, қир-адир, тоғлар маконинг,
Дарёлар, чўл, саҳро, жону жаҳонинг!
Осмонинг, сарҳадинг эрур дахлсиз,
Токи бор сафларда жасур посбонинг.

**НАҚОРАТ:**
Сен мардлик мактаби – сабоғидирсан,
Тинчлик ва Адолат байроғидирсан!
Марказий Осиё, Ўзбекистонда
Озодлик машъали, маёғидирсан!

Армиям, қудратли, шон-шавкатли бўл,
Жанговар, шиддатли, шижоатли бўл!
Турамиз сафингда елкама-елка,
Ёв ўйин бузишга бериб қўлга-қўл!

## СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

Соғлом танда соғ ақл

# «ҲАРБИЙ АЁЛЛАР СПАРТАКИАДАСИ»

**Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Умид» болалар спорт мажмуасида «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланган «Ҳарбий аёллар спартакиадаси» бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши ҳамкорликда ўтказган мазкур мусобақада ушбу тизимларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар иштирок этдилар.**








Мусобақалар бошланишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитасининг раиси С. Иномова сўзга чиқиб, спорт орқали хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга кенг жалб қилиш мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга асос бўлиши ва шу билан бирга улар нафақат жамият ишларида фаол эканликлари, балки турли тадбирларнинг иштирокчиси, ташаббускори, халқ тили билан айтганда «қирқ ҳунар эгаси» эканликларини бугунги мусобақа мисолида намойиш этишларини таъкидлаб ўтди. Албатта, ушбу тадбир ҳам мамлакатимизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган аёллар ўртасида спортни кенг ривожлантириш, уларнинг фарзандларини ҳам жалб қилиш, яъни соғлом она, соғлом бола муҳитини яратиш борасида амалга оширилаётган устувор вазифалардан биридир. Чунки спорт–чиниқиш, соғлик демакдир. Аёл соғлом бўлса келажак авлод соғлом бўлади.

Мусобақада аёллар спортнинг стол тенниси, волейбол, енгил атлетика турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Қизғин тус олган беллашувни кузатар экансиз, юртимиз Тўмарислари, Барчинойларини кўргандек, уларнинг шижоатини, ғайратини ҳис этгандек бўласиз. Спорт байрамининг очилиш тантанаси юксак савияда ташкил этилгани беллашувларнинг кўтаринки руҳда ўтишига замин бўлди. Айниқса севимли санъаткорлар томонидан ижро этилган ватанпарварликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар барча иштирокчиларнинг дилига ҳушнудлик олиб кириб, жўшқин бир ғайрат, куч-қувват ато этди десак, янглишмаймиз.

– Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва бўлинмаларда хизмат қилаётган хотин-қизларимизнинг спортга бўлган қизиқишлари жуда кучли, – дейди Мудофаа вазирлиги ҳарбий оилалар билан ишлаш бўлими бошлиғи – хотин қизлар қўмитаси раиси Ойниса Нодирова. – Чунки ушбу касбнинг ўзи кишидан жисмоний тайёргарликни талаб этади. Бу эса спорт билан мунтазам шуғилланиш демакдир. Жамоамиз беллашувга катта тайёргарлик билан келди. Натижалар ёмон эмас. Айниқса волейболда бизнинг жамоамизга тенг келадиган бўлмади.

– Мен ёшлигимдан спорт билан шуғилланаман, – дейди ҳаяжон билан стол тенниси бўйича 1-ўринни қўлга киритган Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ходими Дилбар Муратова. – Чунки спорт билан мунтазам шуғулланган инсон ўзини руҳан ва жисмонан тетик ҳис қилади. Қачонки спорт ҳар бир инсоннинг кундалик эҳтиёжига айланса ана шундагини жамиятимизда соғлом турмуш тарзи шаклланади.

Раҳбар Ортиқова Ички ишлар вазирлигида хизмат қилади. Унинг жамоаси ҳам мусобақада яхши натижаларни қўлга киритди.

– Ҳукуматимизнинг биз, аёлларга эътибори ва ишончидан чексиз хурсандмиз. Дарҳақиқат, аёл соғлом бўлса миллат соғлом бўлади. Агар аёллар ўртасида мана шундай спорт ўйинлари кенгроқ тарғиб қилинса, нур устига аъло нур бўларди. Чунки фарзандларининг бирор бир спорт тури билан мунтазам шуғулланишлари учун аввало аёлларимизнинг ўзлари спортга меҳр қўйишлари лозим. Спортга қизиққан бола эса ёмон йўлга кирмайди, озода, саришта бўлади, мақсад сари дадил интилади. – дейди Р. Ортиқова.

Барча аёлларни бирлаштирган, қалбларга олам-олам шодлик улашган беллашув якунига етди. Унга кўра стол тенниси ва енгил атлетика бўйича 1-ўрин Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти жамоасига, волейбол бўйича 1-ўрин эса Мудофаа вазирлиги жамоасига насиб этди. Ғолиб жамоалар Мудофаа, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси томонидан тақдим этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Гулнора ТУРСУНБОЕВА.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**

Эхо Азиатских игр

# ДВА «СЕРЕБРА» АЛЕКСЕЯ

**Мастер спорта международного класса рядовой по контракту Алексей Бабажанов (гребля на байдарке) на XV Азиатских играх завоевал две серебряные медали.**



Еще до начала соревнований среди байдарочников специалисты и любители спорта прогнозировали, что основная борьба развернется между многоопытными спортсменами из Китая, Казахстана, Кореи и Узбекистана. Но при этом почему-то многие предполагали, что главными претендентами на золотую и серебряную медали на дистанциях 500 м (двойка) и 1000 м (одиночная) являются китаец Ли Хай Тао и казахстанец Александр Емельянов. А «бронза» достанется или корейцу, или узбекистанцу. Теоретически, может быть, они и были правы. Ведь соперники Алексея Бабажанова были победителями ряда международных турниров, чемпионами Азии и многократными чемпионами своих стран.

Но, вопреки ожиданиям прогнозистов, наш соотечественник мастер спорта международного класса рядовой по контракту Алексей Бабажанов, проявив огромную силу воли и настоящий армейский характер, завоевал на этих дистанциях две серебряные награды. «Золото» же досталось китайскому спортсмену.

– Я тактически чуть-чуть неправильно построил борьбу с физически сильным и опытным Ли Хай Тао в начале старта до преодоления отметки 250 м, – говорит Алексей Бабажанов. – Эта моя ошибка отразилась и на конечном результате. В нынешнем предолимпийском году еще будут лицензионные соревнования: чемпионат мира (Германия) и Азии (Корея). Я, конечно, учту свои ошибки, которые допустил на XV Азиатских играх. Тем более, мы будем выступать по гребле на байдарке в четверке. А наш экипаж-четверка в этой дисциплине очень спаянный и сильный. И надеюсь, что у нас победы на крупных спортивных форумах еще будут.

Что ж, узбекистанские болельщики верят в силу и боевой настрой наших спортсменов.

**Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.**
**Фото Камолиддина ТУРАЕВА.**

# «АЛЬФА-ТРЕНИНГ» В ДЕЙСТВИИ

Уже несколько лет в Ташкенте действует специальная программа «Альфа-Тренинг». Эта программа была инициатирована для того, чтобы дети среднего и старшего школьного возраста приобщались к основам военного дела, стали патриотами родного Узбекистана, выросли достойными гражданами своей страны. Руководит этой программой Ильхом Ташкентбаев. За последние два с половиной года городским Фондом инвалидов военных действий оказана значительная социальная, медицинская, правовая, материальная, гуманитарная помощь не только инвалидам, но и их семьям. Популярность фонда растет из года в год. Сейчас по программе «Альфа-Тренинг» занимаются в школах № 58 Юнусабадского района, № 172 Яккасарайского района, № 210 Мирзо-Улугбекского района, № 180 Шайхонтахурского района и в Доме милосердия № 21.

На днях в школе № 58 прошел спортивный праздник, где ученики военно-спортивных классов соревновались по военно-прикладным видам спорта. Большую поддержку в проведении данного мероприятия оказали Т.Мурадов и директор школы № 58 Н.Умарова. В этих соревнованиях приняли участие 175 учеников.

Команды соревновались между собой живо и интересно. Чаша весов склонялась в пользу то одной школы, то другой. Состязания проходили по таким дисциплинам, как бег на 100 и 1000 м, метание гранаты, подтягивание на перекладине, стрельба из пневматической винтовки, строевая подготовка, мини-футбол.

По итогам первенства победителями стали воспитанники Дома милосердия № 21, где командиром взвода У.Худойбердыев. Хорошо выступили и другие команды, где командиры взводов Р.Абляев (школа № 172), У.Мухрумбаев (школа № 58), Ш.Курайшев (школа № 210).

Самым главным итогом данного спортивного праздника стало сближение воспитанников военно-спортивных классов города Ташкента. После соревнований от руководителей школ поступили предложения о проведении ряда олимпиад по общеобразовательным предметам. Ведь развитие у детей должно быть всесторонним как в физическом, так и в интеллектуальном плане.

**Лаура ЗАЙНИЛОВА, ученица школы № 171.**

